31 129

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

14 ноябр, № 46 (3521)

ХИЛЛАРИ КЛИНТОН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Хиллари Родэм Клинтон нафақат АҚШ Президенти Уильям Клинтоннинг рафиқаси, балки йирик жамоат арбоби ҳамдир. У узоқ йиллардан буён бола ва оила муҳофазаси билан шуғулланиб келади. Хиллари Клинтон Арканзас штатида ишлаб юрган пайтида бола ва оила адвокатлари ташкилотини тузган эди. Унинг раҳбарлигида мактабгача ёшдаги болаларни уйда ўқитиш бўйича илк дастур тайёрланган. Шу дастур асосида минглаб америкаликлар фарзандларини мактабга тайёрлаш ва саводларини чиқаришни ўрганишган.

Уильям Клинтон АҚШ президентлигига сайлангач, соғлиқни сақлашга катта эътибор берди. Хиллари Клинтон эса давлат соғлиқни сақлаш ислоҳотининг махсус комиссиясига раҳбар этиб тайинланди.

12 ноябр куни Хиллари Клинтон Ўзбекистонга келди.

Хиллари хоним Президент Уильям Клинтон ва АҚШ Давлат департаменти илтимосига биноан Қозоғистон,, Қирғизистон, Ўзбекистон, Россия ва Украина бўйлаб сафарга чиққан. Ташрифдан мақсад — мазкур давлатларга ва уларнинг ислоҳотлар йўлидаги саъй-ҳаракатларига АҚШ мададини намоён этиш.

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Хиллари Клинтонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси Татяна Каримова билан кутиб олди. Дўрмондаги қароргоҳда Ислом Каримовнинг Хиллари Клинтон билан расмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ислом Каримов АҚШнинг «биринчи леди»си билан Ўзбекистонда кўришиб турганидан мамнун эканлигини билдириб, Хиллари хонимни мамлакатимизга ташрифи билан самимий қутлади. Мазкур ташриф Ўзбекистон — Америка муносабатларини янада юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Хиллари Клинтон уч кунлик сафари давомида республикамиз соғлиқни сақлаш муассасаларида олиб борилаётган ишлар билан танишади, Самарқанд ва Бухоронинг тарихий обидаларини бориб кўради.

Суратда: «Дўрмон» қароргоҳидаги учрашув пайти.

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ИСТИҚЛОЛНИ УЙҒОТГАН ШОИР

Алоҳида ғурур билан айтишим мумкинки, бугун андижонликларнинг мамлакат миқёсида эътироф этишга лойиқ ишлари, ютуқлари жуда кўп. Аввало, таърифи юзлаб достонларга жо бўлгулик меҳнаткаш ва танти халқимиз бор, мозийнинг қат-қатларига сингиб, башарият кечмишнинг бир қисмига айланган бой тарихи бор. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек бобомиз ҳамда шеърият осмонида ярақлаган юлдуз — Нодираи даврон момомизнинг шону шавкатларидан кўксимиз осмонда.

Вилоятимизнинг пахтачилик ва дончилик борасида эришаётган ютуқлари пахта етиштиришдаги янги усул — муҳтарам юртбошимиз таърифи билан айтганда — «Андижон усули»нинг афзаллиги бутун мамлакатимиз меҳнаткашларининг тилига тушди. Бундан ташқари, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи автомобили ҳам Андижонда ишлаб чиқарилди. Бугунги кунда

Н. САИДОВ

«Нексия», «Дамас», «Тико» русумли енгил машиналаримиз бутун оламга овоза бўлиб турибди. Хуллас, фахру ифтихорга арзигулик нарсаларимизни санайверсак тугамайди.

Андижоннинг шону шавкатини нафақат мамлакатимиз, балки бутун оламга ёйиши мумкин бўлган шунча омиллар қаторида азиз номи бизнинг кўксимизни осмонлар қадар юксалтирувчи яна бир муҳтарам инсон ҳам бор. Бу инсон — истиқлол куйчиси, миллатпарвар, жасур ва ҳақиқатпараст шоир ва етук жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир. Биз бу улуғ инсон билан чинакамига фахрланамиз. Чунки кўҳна Туркистон тарихида ҳурриятни, миллат эрки ва озодлигини бу қадар ёниб, ошкора мардлик билан куйлаган ижодкор жуда кам топилади. Таъбир жоиз бўлса, Чўлпоннинг сўз ила чархланган назмий (ва ҳатто насрий ҳам) «қиличи» истиқлолимиз душманларининг, истилочи ғанимларимизнинг кўксига чуқур-чуқур ботди. Балки, шунинг учун ҳам, улар дунё маданиятининг бешикларидан бўлмиш она Туркистонимизнинг биргина шоири қалами кучидан таҳликага тушдилар ва уни таъқиб қила бошладилар. Шоир Чўлпон ёшлигиданоқ босқинчиларнинг «қора рўйхати»га битилди.

Давоми учинчи бетда

ХУШХАБАР

Куни кеча Америка Қўшма Штатларидан хушхабар келди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов АҚШ халқаро фан, техника ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик этиб сайланди.

Марказий Осиё халқлари ёзувчиларидан Чингиз Айтматов, Абдулла Орипов ва Мухтор Шаханов ушбу академиянинг аъзоларидир. Эндиликда бу фахрли унвонга ҳурматли ёзувчимиз Одил Ёқубов сазовор бўлди. Адибимизни чин юрақдан табриклаймиз.



UNITED STATES OF AMERICA

THE INTERNATIONAL ACADEMY OF SCIENCES, EDUCATION, INDUSTRY, & ARTS

DIPLOMA

PRESENTED TO

ADIL E. YUAKUBOV

IN RECOGNITION AND CERTIFICATION OF BEING ELECTED AN ACTIVE MEMBER OF THE ACADEMY

June 10, 1997

President

CALIFORNIA

Муҳаррир минбари

МУАММОНИНГ ЖОН ЕРИ

Телевидениемиз дастурларида «Юзма-юз» кўрсатуви алоҳида ажралиб туради. Қисқа вақт ичида у ўз йўли ва йўналишини аниқ белгилаб олди. Кўрсатувга таклиф этилган суҳбатдошларнинг аксарият кўпчилиги — мустақиллик шароитида ўзини ҳар жиҳатдан намоён эта олган, танлаган касби, эришган ютуқлари билан эл-юртга танилган кишилардир.

Очиғини айтиш керак, «Юзма-юз» суҳбатлари телевидение орқали берилаётган бошқа суҳбатлардан фарқ қилади. Бу ерда танқидий таҳлил, қиёсий мушоҳада анча кучли. Таҳлил этилаётган мавзу тор қобиқларда қолиб кетмайди ёки бутун кўрсатув суҳбатга чақирилган кишиларнинг шахсий ютуқларини кўз-кўз қилиш билан якунланмайди.

Аслида ҳар бир кўрсатув айни шундай бўлиши керак. Юзма-юз туриб гаплашилганидан кейин, бор гапни борлигича, бутунлигича, тўлалигича айтиш лозим бўлади. Майли, суҳбатдошнинг айрим қарашлари, мулоҳазалари, ҳаётий хулосалари баҳсли-мунозарали, бизга мақбул қарашлардан, хулосалардан фарқли бўлсин. Аммо шу фарқли қарашларини ҳам эшитишимиз, тинглашимиз керак. Бунинг учун эса бошловчи экранда ўзи билан ёнма-ён суҳбатдошига фикрларини эркин баён этиш, дилида борини юзага чиқариш имконини бериши лозим.

«Юзма-юз» мулоқотларида шундай ҳолларни кўриш мумкин. Аммо кўрсатувни янада жонлантириш, таъсир кучини ошириш имкониятлари ҳали анча кўп. Биз кўпинча қаршимизда ўтирган мулоқотдошимизни — фақат телеэкранда эмас, ҳаётда, маҳаллада, таҳририятда ҳам — ортиқча авайлаб юборамиз, енгил саволлар берамиз. Ҳолбуки, ошкора мулоқотларда... кутилмаган савол, ўринли танқид ёинки ўринли инкор ҳам баъзан одамни «очиб» юборади. Тилининг учида турган, айтсамми, айтмасамми, дея ийманаётган фикрларини шартта айтади-қўяди. Буни, бизнинг касбда «муаммонинг жон ерини топиш», дейилади. Афсуски, кўпгина телесуҳбатларда гап умумий оҳангларда бошланади, текис ва равон йўллардан хотиржам юрилиб, манзилга пешона терламай етиб келинади, яъни муаммонинг «жон ери» бир четда қолиб кетади. Бу қусур фақат телевидение ходимларигагина тегишли эмас. Газета-журналларнинг аксарият кўпчилигида, гоҳо ўзимизда ҳам, шундай ҳолни кузатиш мумкин. Аввалига суҳбатдошнинг бўлажак касбига меҳри қанча ёшида уйғонгани, адабиёт, санъат ёки бошқа бир «сеҳрли» оламга ким қачон етаклаб олиб келгани, кейин эса эришган ютуқлари, ҳаётидаги энг унутилмаас кунлари сўралади... ва суҳбат анаъанавий савол — келажак режаларини аниқлаш билан якунланади.

Қисқаси, телевидениемизнинг «Юзма-юз» кўрсатувига бир таклиф айтмоқчимиз. Ҳозиргача бу кўрсатувга таклиф этилган кишилар, юқорида айтганимиздек, асосан илғорлар: хўжалик раҳбарлари, тадбиркорлар, мутахассислар, таниқли ижодкор зиёлилар. Лекин, бор гапки, ҳаётда ҳамма ҳам илғор, тадбиркор, ишбилармон ёинки фидойи эмас. Ишончни оқламаётган, масъулиятли вазифани уддалай билмаётган, нотўғри, чалкаш режалар билан ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўяётган раҳбарлар ҳам бор-ку! Агар, диққат билан тингласангиз, бу камчиликларнинг ҳам ўзига яраша изоҳлари бўлади. Демоқчимизки, «Юзма-юз» кўрсатувларига фақат илғорлар эмас, режаларни барбод қилган, уддалай олмаётган, иши ҳадеганда юришиб кетмаётган хўжалик раҳбарлари, ҳокимлар, наинки улар, маданий-маънавий соҳада ҳам шунақа имиллаб қолаётган мутасаддилар ҳам таклиф этилса, уларни бир яхшилаб тинглаб кўрилса қандай бўларкин? Гап кимларнидир телевидениега олиб чиқиб изза қилиш ёки уялтириш устида кетаётгани йўқ. Аксинча, қолоқлик сабабларини чуқур ўрганиш, моҳиятни чуқур англаб етиш устида бормоқда. Шундай қилинса «Юзма-юз» кўрсатувларининг тарбиявий аҳамияти янада ошган бўлур эди.

АЁЛ СЕВИЛСА БАС

5-бет

ИНШОДА ҒАП КЎП

Ҳафталигимизнинг ўтган сонида фаол муаллифларимиздан бири Нусратилла Жумахўжанинг «Иншо — тафаккур мезони» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Гап — ёзма нутқ ривожи, унинг зарурияти тўғрисида.

Олимларнинг фикрича, инсон характерини унинг ёзувига қараб бемалол аниқлаш мумкин. Шу соҳа мутахассислари иншо эгасининг хусниҳати, жумлалар тузиш маҳорати, ҳарфларни ўзаро боғлаши, ёнма-ёнлигига кўра унинг руҳиятини бемалол тасаввур этадилар.Ҳаётда ўзини босиб олган, ўйлаб, режалаб иш

Давоми иккинчи бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИ ҚАЙТАДАН ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан; маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш мақсадида:

1. Хоразм Маъмун Академияси — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими Хива шаҳрида ташкил этилсин.

Хоразм Маъмун Академиясининг асосий илмий ва ташкилий вазифалари қуйидагилар деб белгилансин:

— илм-фан соҳасидаги қадимги улуғ миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъдодли олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самарадорлигини юксалтириш;

— қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб бориш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш;

— минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари даражасида мувофиқлаштириш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

— кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш;

— халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси (Т.Жўраев):

— Хоразм Маъмун Академияси таркибида тарих, археология, фалсафа,тил ва адабиёт, биология йўналишлари бўйича илмий бўлинмаларни ташкил этсин, икки ҳафта муддатда Хоразм Маъмун Академиясининг тузилмаси ва Уставини тасдиқласин;

— бир ой муддатда Хоразм Маъмун Академиясининг асосий илмий йўналишлар ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг дастурини ишлаб чиқсин;

— бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда Хоразм Маъмун Академияси штат жадвалини, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларининг ҳисобини тайёрласин;

— 1998 йилнинг биринчи чорагида ўз Уставига мувофиқ устивор илмий йўналишлар соҳасида самарали ишлаётган олимлардан Хоразм Маъмун Академияси таркибига сайлов ўтказсин.

3. Хоразм Маъмун Академиясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) икки нафарга кўпайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ж.Сайфиддинов) Хоразм Маъмун Академияси илмий изланишлар ва илмий-ташкилий фаолиятни олиб бориши учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан тайёрланган сарф-харажатлар ҳисобига мувофиқ бюджетдан маблағ ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси (П.Ҳабибуллаев) 1998 ва кейинги йиллардаги Хоразм Маъмун Академиясининг илмий изланишлар мавзуларини Давлат илмий-техникавий дастурлари таркибида режалаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хоразм вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Хоразм Маъмун Академияси ва унинг бўлинмаларига истеъдодли ёш олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни таъминласинлар.

7. Хоразм вилоят ҳокимлигига (И.Юсупов) бир ой муддатда Хоразм Маъмун Академияси учун маъмурий бино ажратиш, уни таъмирлаш, транспорт, алоқа ва бошқа зарур жиҳозлар ҳамда вилоятга таклиф этилган илмий ходимларни уй-жой билан таъминлаш юклатилсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 11 ноябр

ДНЕПРНИНГ БАЛАНД КЎПРИГИ МИСОЛ...

Яна уч кундан сўнг серқуёш диёримиз Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари бошланади. Бу байрам икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликнинг яна бир тимсолидир.

Зотан, кўприк ҳам ҳар хил бўлади, айни вақтда ўзбеклар топиб айтганидек, «Кўприкдан шоҳ ҳам ўтади, гадо ҳам!» Мазкур ибратли нақл маъзини чақа олган икки зукко халқ ўртадаги нозик бу иншоотни жуда асрайди: ҳар тонг, ҳар шомда қуриқлайди. У худди Днепр дарёси устидаги Баланд (Осма) кўприк мисол фақат яхши ният карвонларига йўл бўлади, йўл беради. Қуройдин кечаларда, серпуртана чоғларда дайди тўлқинларга ем бўлмасин деб уни атайин кўтариб қўядилар. Худди шундай, собиқ СССР тарқалаётган, атрофда бошбошдоқлик ва ўзгалар уйига қўшнининг ҳовлиси орқали ўғри тушишига шароит етилган йилларда у маълум вақт фаолиятсиз турди. Бу ҳаракатсизлик Украина президентининг таклифи билан юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошлиқ Ўзбекистон республикасининг ҳукумат делегацияси дўст мамлакатга ташрифи билан ниҳоясига етди. Ўз навбатида, Леонид Кучманинг республикамизга расмий сафари чоғида давлатлар ўртасида тузилган муҳим ҳужжатлар Баланд кўприкнинг икки қанотини бирлаштирди. Бундай ҳамфикрлилик бирданига юзага келмайди, албатта. Унинг теран илдизлари, асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан мустаҳкамланган пойдевори бор.

Давоми иккинчи бетда

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Бугун Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Марказий Осиё санъати Халқаро кўргазмаси очилди. Бунда шу регионда яшаётган ижодкорлар асарларидан намуналар намойиш этилмоқда. Шунингдек, Рига ва Украинадан келган ижодкорлар ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқдалар. Тасвирий санъат мухлислари бир ҳафта давомида турли миллатга мансуб ва ўз ижод йўлига эга бўлган рассомлар асарлари билан танишадилар.

Суратда: кўргазмага қўйилган ишлардан намуналар.

С. МАҲКАМОВ суратлари

ДНЕПРНИНГ БАЛАНД КЎПРИГИ МИСОЛ...

Боши биринчи бетда

Маълумки, Оврупо билан Шарқни боғлаган Буюк Ипак йўлида бошқа халқлар вакиллари қатори Киев-Руси фуқароларининг ҳам излари қолган. Бу дўстлик йўли, айниқса, XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб аниқ иқтисодий-маданий муносабатлар воситасида янада кенгайди. Бу даврда Тошкентдан унча узоқ бўлмаган шўрҳок, чўл ерларга кўчириб келтирилган украин жамоалари Сирдарё соҳиллари бўйлаб жойлашдилар ва меҳнат қилдилар. Асримиз бошларига келиб Туркистоннинг бир қанча ҳудудларида йирик украин жамоа (обшина)лари шаклланган эди. У ерларда украин тили ўқитиладиган мактаблар мавжуд бўлиб, миллатдошларимиз она халқимизнинг байрамлари, тўй ва бошқа маросимларни миллий руҳда, анъанавий тартибда ўтказишарди. Табиийки, бундай гўзал тантаналарга атрофдаги дўст ўзбек, қозоқ ва рус биродарлар ҳам таклиф этиларди. Киев ва Одесса шаҳарларидан турли рақс ва хор жамоалари, таниқли санъаткорлар келиб, уларни хушнуд этиб кетишарди. Чўл ерларни ўзлаштираётган украин жамоалари орасида айниқса «Лира» дастасининг довруғи достон эди.

Гитлерчи босқинчилар билан кураш йиллари Ўзбекистон халқи билан Украина халқини янада бирлаштирди. Бу оғир даврда Ўзбекистон уруш ўчоқларида етим-есир қолган 200 мингдан зиёд жонни ўз бағрига олди. Оқибатли ўзбеклар диёридан меҳр, паноҳ топган болалар сафида мен ҳам бор эдим. Запорожье вилоятининг Агрофеновка қишлоғидан кўчириб келтирилган ўсмир Славкани — мени Тошкент шаҳридаги 20-болалар уйига жойлаштирдилар. Мазкур даргоҳ иқтидорли болалар учун махсус ўқиш-яшаш маскани бўлиб, бу ерда ҳамма шароит муҳайё эди. Ўша долғали йилларда оловли ҳудудлардан 30 дан ортиқ ўқув юрти, театр, эстрада ва мусиқа жамоалари ҳам Ўзбекистондан бошпана топди. Улар орасида Иван Франко номидаги Киев академик театри, Харков оперетта театри, Одесса мусиқа мактаби ва Одесса киностудияси ҳамда Киевдаги суратга олиш гуруҳи каби маданият муассасалари бор.

Бироқ, гапнинг очиғи, бу муносабатлар дўстлик, одамгарчилик ва оқибатнинг гўзал тимсоллари эди. У даврларда Украинага тақдир тақозоси билан бориб қолган ўзбеклар каби Ўзбекистондаги украинлар ҳам руҳан ўзларини дўст уйидаги меҳмондек омонат ҳис қиларди. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган ва мамлакатда барча миллат вакилларининг эътиқод эркинлиги, миллий тенгҳуқуқлилиги, демократик тамойиллар қарор топгач, бу келажаги буюк республика ҳудудида яшаётган украинлар учун Ўзбекистон чинакам Ватан бўлиб қолди. Республикада яшаётган 3 мингдан зиёд украиннинг ҳар бири халқларимиз ўртасидаги дўстлик кўпригини мустаҳкамлаш, умумий уйимиз бўлмиш Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши ва ёруғ келажаги йўлида мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда. Президент Ислом Каримов кўрсатаётган эътибор бизни янги шижоатларга руҳлантирмоқда.

Мустақиллик шароитидагина республикада яшовчи турли миллат вакиллари ўзи мансуб она халқининг миллий маданияти, қадриятларини асраш, уларни ривожлантириш имконига эга бўлдилар. Биз Ўзбекистонда Украин маданият марказини ташкил этган вақтларимизда бу ташкилот одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, уларнинг ўзаро фикр алмашинишига ёрдам берадиган, фаол дам олишларига кўмаклашувчи жамоа ташкилоти бўлишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шу ниятда бу ерда мўйқалам усталари асарлари кўргазмалари, Т. Шевченко, Л. Украинка, О. Вишни каби сўз усталари ижодларига бағишланган кечалар ўтказдик. Украина ва ўзбекистонлик ёш ижодкорлар ҳамда санъат усталарининг чиқишларини уюштирдик.

Бултур мамлакатимизда расмий сафарда бўлган Украина президенти Леонид Кучма Маданият марказимиз фаоллари билан ўтказган дилкаш суҳбат чоғида биз — ўзбекистонлик украинлар ҳаётидаги жуда кўп қизиқарли маълумотлар билан танишди. У республикамиз ҳукуматининг барча миллатларга мансуб ўз фуқароларига бирдек кўрсатаётган ғамхўрликлари учун давлатимизга, ўзбек халқига ўз миннатдорчилигини билдирди. У ўзбекистонлик украинлар ўзларини она ватанидагидек эркин ҳис этаётгани, она тилида муомала қилаётгани, байрамларни аждодлари удумида нишонланаётганликларидан чуқур фахрланаётганини билдирди.

Маданият марказимизда ўтган давр ичида республиканинг турли вазирликлари ва ижодий уюшмалари билан ҳамкорликда кўплаб маданий тадбирлар ўтказилди. Олдинда мўлжаллаган режаларимиз кўп. «Ўзбекистондаги украинлар» номли китобимиз тайёр бўлиб қолди. Фаолларга ўзимизнинг Тарас Шевченко номли мукофотимиз бор. Ўзбекистон телевидениеси орқали берилаётган Марказий Осиё телетомошабинлари учун мўлжалланган «Доброй хате» номли телекўрсатувимиз кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Украинлар орасида республика юкини дадил кўтаришга чоғланган фаоллар, жонкуяр кишилар анчагина. Техника фанлари доктори, Ўзбекистон Қаҳрамони Николай Кучерский, профессорлар Евгений Прус, Борис Гиенко, Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреатлари Игор Ғуленко, Леонид Рябцев, Зинаида Куриш, республикада хизмат кўрсатган артистлар Зинаида Соловей, Раиса Чепчеренко, Олга Куценко, Иван Проценко, йирик корхона раҳбарларидан Владимир Гришук, Анатолий Возненко, Анатолий Лелеко, Григорий Кострица, Демьян Осадчук каби миллатдошларимиз республиканинг фахри. Маданият марказимиз ишида Шуҳрат Баҳромов, Софя Зайцева, Ирина Гайворонская, Евгений Николенко, Арсений Пономарев, Дмитрий Косаткин, Екатерина Комарская каби фаолларнинг ўрни беқиёс.

Хуллас, фаолларимизнинг жонбозлиги ва мислсиз ёрдами билан бизнинг Маданият марказимиз мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида муносиб ўрин эгаллайди.

У МДҲ мамлакатлари ўртасида дўстлик кўпригинң мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Бу фаолият, ўз навбатида, икки дўст халқнинг илмий, маданий, маънавий муносабатлари ривожида ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Украина маданияти кунлари бу дўстлик кўпригининг янада мустаҳкамланишида улкан аҳамият касб этиши муқаррар.

С. МАНСУРОВ-КОВРИГЕНКО,
Ўзбекистондаги «Батьк.вшина» Украин Маданият марказининг раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби

ГЎЗАЛ УКРАИНА

Украина миллий маданияти, юксак иқтисодий салоҳияти билан нафақат Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигида, балки бутун дунёда ўз ўрни-салобатига эга давлат.

Умумий ер майдони 603,7 минг квадрат километрни ташкил этган Украина шимолдан Белоруссия, шимолий-шарқдан Россия, жанубий-ғарбдан Молдавия билан чегарадош. Пойтахти — кўҳна ва навқирон Киев. Шунингдек, Украинада чиройли ва катта шаҳарлар кўп. Одесса, Харков, Донецк, Запорожье ва Кривой-Рог шулар жумласидандир. 50 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилаётган бугунги Украинада меҳмондўст, қалби очиқ украин миллатидан ташқари рус, белорус, венгер, грек, арман, яҳудий, татар, ўзбек, молдован каби миллатлар вакиллари ҳам аҳил, тинч-тотув яшамоқдалар.

Давлат тили славян тиллари оиласига мансуб украин тилидир. Украин адабий тили ўз тараққиёти давомида украин шеваларининг умумий хусусиятларини тўла ўзига сингдирган, меъёрлашган тил ҳисобланади.

Жаҳон маънавиятига ўзининг бебаҳо ганжи-дурдоналарини инъом этган бу ўлка такрорланмас гўзал табиати билан ҳам ҳеч қайга ўхшамасдир.

Бу гўзал диёрнинг чексиз ўрмонлари, виқорли тоғлари, кўплаб уммон ва дарёлари унинг ўзига хослигини таъмин этади. Қрим тоғ этаклари дунёнинг энг баҳаво дам олиш масканларидан ҳисобланса, Карпат тоғларида эса энг баланд чўққилардан бири — Говерла чўққиси 2 минг 61 метрлик юксакликдан кўр тўкиб туради. Бу тоғлар тошкўмир, қўнғиркўмир, темир, марганец, титан рудалари, симоб ва турли қурилиш материалларига бой. Пасттекис ва текисликларда нефт, табиий газ захиралари мавжуд. Ҳар хил шифобахш булоқларнинг эса ҳисоби йўқ.

Украинада 16 мингга яқин ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, ўрмонларида айиқ, буғи, олмахон, тулки, бедана, тўрғай, зарғалдоқ каби ҳайвон ва қушларни кўплаб учратишингиз мумкин. Малла қуён эса ҳар қадамда дуч келади. Бу ўсимлик ва ҳайвонларни асраш ва кўпайтириш мақсадида тўққизта йирик қўриқхона, тўртта овчилик хўжаликлари фаолият олиб боради.

Юқорида айтганимиздек, Украинада дарёлар бисёр. Дарёларнинг кўпчилиги Азов ва Қора денгиз ҳавзаларига сувини қуяди. Энг катта дарёлардан саналган Днепр, Днестр, Дунай ва Прутда кемалар қатнови йўлга қўйилган бўлиб, турли катта-кичик электр станциялари ишлаб турибди. Етти мингдан ортиқ турли ҳажмли кўллар Украина табиатини мўътадиллаштириб туради...

«Ҳа, Оллоҳнинг қудрати беадад. Унинг яратиб қўйган бутун гўзалликлари олдида бани башар ҳайратдадур». Ғарбдан Шарққа томон 1300 километр, Шимолдан Жанубга қадар 900 километрга чўзилган бу гўзал диёрнинг ажойиб табиати қошида тиллар лол бўлиб, диллардан шу каби сўзлар ўтса, не ажаб.

Камол ОЛЛОЁРОВ

САХОВАТ МАЙДОНИ КЕНГ

МУҲАРРИРГА мактублар

Сўнгги йилларда миллий қадриятларимизга кенг йўллар очилиб, эътиқод эркинлиги қарор топаётганидан хурсандмиз. Бағри кенг халқимизнинг танти фарзандлари ҳоҳиш-иродаси билан жойлардаги кўпдан-кўп мактаблар таъмирланди, аълочи ўқувчиларга тадбиркорлар ўз сармоясидан стипендиялар беришни виждоний бурч деб билишяпти. Саховатпеша фуқароларимизнинг хайрия маблағлари билан, айниқса, юртимиздаги масжид-мадрасалар бинолари сайқал топди. Биз, «Бўстон» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ аёллар ўз давра суҳбатларимизда ана шулар ҳақида тез-тез фикр алмашиниб турамиз. Юртимиз жамолини ошираётган ҳар қандай яхши мақсаддаги ишларга тан берамиз, унинг ташаббускорларига, ҳомийларига сидқидилдан тасаннолар айтамиз. Бу тўғрида газетада эълон қилинган «Ҳамза Умаровнинг мухлиси»номли мақолада яхши айтилган.

Қишлоқ ва шаҳарларда, айниқса пойтахтимизнинг турли мавзеларида тикланган қасрнамо масжидлар ёнидан ўтганда, баъзан кўнглимиздан фахрланиш туйғуси билан бирга бошқача мулоҳазалар ҳам ўтади. Буни таклиф десакми, истакми ва ёки ҳали шариат арконларини яхши ўзлаштириб улгурмаганимиз сабабми ҳар қалай, «Оллоҳнинг уйига ортиқча ҳою ҳашам шартмикан? Уларни ортиқча безашга сарфланадиган маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, бева-бечораларга ҳадя қилишга ишлатилса кўпроқ савоб бўлармиди, деган мулоҳазага борамиз.

Ортиқча сарфланадиган маблағни қўйинг, ҳатто шунақа гаплар ҳам юрибдики, қаср қилиб қурилаётган баъзи масжидларга ёрдам бўлсин, менинг ҳам ҳиссам қўшилсин, деб айрим кишилар пийсабилло кўнглидан чиқариб ул-бул олиб борйшса, қурилиш ҳомийлари «Сизлар қўяверинглар, масжидни ўзим қурдириб, ўзим жиҳозламоқчиман...» дейишаётганмиш.

Назаримизда бу саждагоҳлар шинамликда, оддийликда кўнгилга шунчалар яқин жой бўлиши керакки, унинг ёнидан ўтувчилар ҳам, остонасига қадам қўювчилар ҳам ўзларини руҳан эркин тутсинлар. Серҳиммат кишиларимиз эса бу даргоҳларга сарфлайдиган сармояларнинг бир қисмини етим-есирларга ёки истеъдодли талаба болаларга сарфласалар, ҳам худога, ҳам бандаларига хуш ёқадиган амал бўларди.

Тошкент шаҳар Қора қамиш мавзеи, 2/1, 32-уйда истиқомат қилувчи аёллар номидан:

Умидахон, Мастурахон, Фотимахон, Муҳайёхон, Раҳимахон, Хосиятхон, Тўхтахон, Зайтунагул ва бошқалар

СЎЗ АСЛИГА САЁҲАТ

«Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати». Тошкент, «Университет» нашриёти, 1997.

Ўзбек тили туркий тиллар оиласидаги энг йирик ва қадимий тиллардан биридир. Бу тилнинг теран мантиқию тенгсиз бадиий имконларини не-не мунаввар тафаккурли бобокалонларимиз дунёга достон қилганлар. Маънавият ва маърифат, маданият ва адабиёт дейиладиган кўҳна инсоний илмлар билан башариятнинг ақлий ва бадиий хазинасини шу тилда беминнат бойитган аждодларимиз силсиласининг бошида сўз мулкининг чин султони улуғ Алишер Навоий турадилар. Тилимиз беназир назмгўй ва навосоз Навоий бўлиб, Машриқу Мағрибдаги инжа сўз шайдоларининг қалбларини забт этган. Шу нарса ҳам ҳақиқатки, асрларни аллалаган тилимизнинг илдизлари жуда ҳам қадим, бу илдизларнинг ибтидоси эрамизгача бўлган даврларга бориб тақалади.

Неча минг йиллардан бери такомил топиб, минг бир босқину суронлардан омон ўтиб келаётган, бугун эмин Ўзбекистонимизнинг давлат тили деган олий рутбага соҳиб бўлиб, ривожланиб бораётган ўзбек тилимизнинг бой ва мухташам сўз хазинаси бор. Бу шу қадар ўлкан, мукаммал ва синоатли ганжинаки, уни ҳижжалаб, ақлу идрок, меҳру муҳаббат билан ўрганиш миллий шууримизга мунтазам нур беради, аждодларимиз даҳосини ойина мисол кўз олдимизда гавдалантиради, бизнинг кимлигимизни ёдимизга солади, тилимизга ҳам, дилимизга ҳам бурролик бахш этади. Туркий тилимизнинг бойлиги ва гўзаллиги Оврупо доноларини ҳам ҳайратга солган. Олмон алломаси Макс Муллер ўз ҳайратини мана бундай ифода этган: «Туркий тил шу қадар мукаммал ва қоидалари шу даражада қиёсийдирки, бу тилни гўё тилшунос олимлар ҳайъати яратган дейиш мумкин».

Тилнинг сўз хазинасини, бу хазинадаги ҳар бир сўзнинг келиб чиқишини ўрганиш жуда катта илмий-назарий ва амалий қимматга эга эканлигини жуда эски замонлардаёқ тушуниб етганлар. Жаҳон ижтимоий фикр тарихи, хусусан, тилшунослик тарихидан маълумки, қадим Юнон, Рим, Ҳинд, Араб, Марказий Осиё, Оврупо ва бошқа ўлкаларнинг жуда кўплаб донишмандлари сўз ва у ифода этган нарса ўртасидаги муносабат борасида кўп бош қотирганлар, муайян сўзнинг келиб чиқиши юзасидан хилма-хил фаразларни илгари сурганлар, замон ва турли муҳитлар чиғириғидан катта-кичик ўзгаришлар билан ўтиб келган сўзнинг асл шакли ва маъносини аниқлаш йўлида саъй-ҳаракат қилганлар.

Замонавий тилшунослик фанининг этимология (юнонча etymon — «чин, асл, моҳият» ва logos — «таълим») деган муҳим ва мураккаб соҳаси мавжуд бўлиб, унинг вазифаси сўзларнинг асл шакли ва маъносини ўрганишдан иборат. Таассуфки, ўзбек тилшунослигида этимология алоҳида соҳа сифатида ривож топган эмас. Тўғри, айрим ўзбек олимларининг муайян сўзлар бўйича этимологик кузатишлари бор. Аммо бизда яхлит бир йўналиш шаклидаги этимологик тадқиқотлар ҳали юзага келмаган. Айтиш лозимки, бундай тадқиқотларни яратиш осон иш эмас, ҳатто биргина сўзнинг ҳақиқий илмий этимологиясини аниқлаш учун жуда катта билим, тайёргарлик талаб қилинади, фақат тил назарияси ва тил тарихидангина эмас, балки тарих, география, этнография, археология ва бошқа фанлардан ҳам тўла бохабарлик зарур бўлади. Ҳозирга қадар ана шунинг учун ҳам ўзбек тилининг этимологик луғати тузилмаган эди.

Ана шундай мураккаб ва машаққатли ишга қўл урган таниқли тилшунослар — профессорлар: Шавкат Раҳматуллаев ва Миразиз Миртожиев ҳамда доцент Муҳаммаджон Қодировнинг ҳаракатларини, ҳеч бир муболағасиз, жасорат дейиш мумкин. Улар «Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати»нинг биринчи қисмини яратиб, нашр эттирдилар (Тошкент: «Университет» нашриёти, 1997).

Луғатда унли товушлар билан бошланадиган туркий (бошқа тиллардан ўзлаштирилмаган) олти юзга яқин сўзга этимологик талқин берилган. Китобнинг «Кириш» қисми(3—16-бетлар) да луғатнинг мазмуни батафсил баён қилинган, луғат мақоласининг таркибий тузилишига оид принциплар тушунтирилган.

Китобда дунё луғатчилиги амалиётида қабул этилганидек сўзларга этимологик талқин икки жиҳатдан, яъни мазмун ва шакл(товуш) жиҳатларидан берилган. Туб(ясама бўлмаган) сўзларга мазмун жиҳатидан этимологик талқин бериш, албатта, нисбатан қийин. Бундай ҳолатлар ҳақида китобда шундай таъкидланган: «...бугун ҳам, қадимги туркий тилда ҳам туб деб қаралувчи сўзларнинг маълум бир қисмига туркий тиллар тарихи бўйича сақланган манбаларга, қисман шева маълумотларига суяниб, мазмуний этимологик талқин бериш имконияти бор, луғат тузувчилар бундай имкониятдан маълум даражада фойдаланди»(5-бет). Ясалган сўзларга эса, уларнинг таркибидаги қисмлар маъноларининг йиғиндисидан келиб чиқиб изоҳ берилавериши мумкин. Аммо бундай сўзлардаги қисмлар бугунги тилда истеъмолдан чиқиб кетган ёки уларда муайян маъно тараққиёти юз берган бўлсагина этимологик талқинга эҳтиёж туғилади. Бундай ҳолатларни луғат тузувчилари тўла ҳисобга олган ҳолда иш кўрганлар.

Луғат мақолаларида тилнинг тарихий тараққиёти давомида сўзнинг товуш қурилишида содир бўлган ўзгаришлар қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига қадар қандай воқе бўлганлиги аниқ ва лўнда баён қилинган.

Сўзларнинг этимологик талқинлари тилимиз амалиёти ва тилшунослигимиздаги бир қанча чалкашлик ва ноаниқликларни ойдинлаштиришга ҳам имкон беради. Луғат тузувчиларининг, хусусан, мана бу хулосалари катта илмий асосга эга: «Этимологик талқин бериш муносабати билан айрим сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида асоссиз равишда ўзгартиб ёзиб юборилгани ҳам аниқланди. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **ивимоқ I** («хўл бўлмоқ») ва **ивимоқ II** («суюқ ҳолатдан қуюқ ҳолатга ўтмоқ») феъллари берилган. Асли бу феъллар қадимги туркий тилда **ығ** («нам») ва **уғ** («қуюқ нарса») отларидан ясалган, шунга кўра, ҳозирги ўзбек тилида ҳам **ивимоқ** ва **увимоқ** тарзида фарқлаб ёзилиши лозим эди (сўзлашув нутқида бу феъллар шундай фарқлаб талаффуз қилинади)» (13—14-бетлар).

Луғат тузувчилар луғатдаги мақолаларда олдин сўз, кейин унинг асосий маъноси, кетидан шу маънони кўрсатувчи бутун жумла, ундан сўнгра этимологик изоҳ бериб, жуда мақбул йўлни танлаганлар. Мана, масалан, биринчи мақола: **«АВАЙЛА** — ''эҳтиёт қил-''. Сени авайлаб ўстирдим. Бу феъл асли айрим туркий тилларда шу жумладан, қирғиз тилида ''эҳтиёткорлик'' маъносини англатувчи **абай** отидан **ла** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида икки унли оралиғидаги **б** ундоши **в** ундошига **а'** унлилари эса **а'** унлиларига алмашган: **абай + ла> а' ва'йла' -** «(17-бет).

Луғатда тузувчилар билан баҳслашиш мумкин бўлган ўринлар ҳам йўқ эмас, айрим этимологик талқинларни асослашда чалкашлик бордек туюлади. Масалан, муаллифлар **«олчоқ»** (маъноси ''разил'', ''ёвуз'') сўзини «қадимги туркий тилдаги '' **айёрлик'', ''ёлғон''** каби маъноларни англатган а:л отидан белги маъносини ифодаловчи -чақ қўшимчаси билан ясалган», деб талқин қиладилар (58-бет). Бундай талқинга қўшилиш қийин. Ҳозирги турк тилида **«олчоқ»(«alcak»)** сўзи бор. Турк тилининг изоҳли луғатида мазкур сўзнинг асосий тўғри маъноси «ердан узоқлиги оз бўлган», «юксак» сўзининг зиди» деб кўрсатилган ва шундай мақол келтирилган: «Олчоқ ерда ётма, сел олар, юксак ерда ётма, ел олар» (ҳозирги ўзбек тилида бу маъно истеъмолдан чиққан). Бу сўзнинг **«разил», «ёвуз»** маъноси эса кўчма, мажозий маъно сифатида кўрсатилган. Ҳар ҳолда, бу маънонинг абстракт, мавҳум, асосий тўғри маъно(«юксак»нинг зиди)нинг эса, конкрет маъно эканлигидан ва конкрет маънонинг нисбатан олдин пайдо бўлишидан келиб чиқилса, мазкур сўзнинг этимологик талқинида айни ўша тўғри маънога асосланилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Лекин бу каби мулоҳазалар муҳтарам олимларимизнинг жуда катта фидойилик билан амалга оширган бу салмоқли ишларининг назарий ва амалий қимматига мутлақо соя солмайди. Муҳими, она тилимизнинг илк этимологик луғати ниҳоят яратилди, унинг кейинги қисмларининг ҳам тез орада якунланиб, китобхонлар қўлига етишига умид қилиш мумкин. Бу луғат тилшунослигимизда ва, умуман, миллий ўзлигини англаб, миллий қадриятларини жадаллик билан тиклаб бораётган халқимиз ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб қолишига ишонаман.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор

ИНШОДА ГАП КЎП

Боши биринчи бетда

қиладиган киши билан асабий, тезоб, шунинг учун ҳам турмушда қоқилиб-сукилиб юрадиган одамнинг хати бирбиридан кескин фарқ қилар экан. Ҳарфларнинг қайси томонга оғиши, гоҳо бир-бирига мингашиб кетиши — иншо эгасининг фикрлаш қобилияти, аниқроғи фикрий салоҳиятидан дарак берар экан. Демакки, иншода гап кўп. Бу энди — масаланинг анча чуқур томони. Газетамизда эълон қилинган мақолада кейинги пайтларда бизда — мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида — иншога бўлган эътибор асоссиз равишда сусайиб кетгани тўғрисида куюнчаклик билан фикр юритилади. Мақола муаллифи тўғри таъкидлаганидек, ёзма нутқ оғзаки нутқ ривожига катта таъсир кўрсатади, янада аниқроғи ёзма иншо — мантиқли фикрлашга ўргатади.

Баъзан телевидение ёки радио учун тайёрланган матнларни ўқишга тўғри келади. Бунда асосий эътибор фикрни оғзаки ифода этишга мослаштирилганлигини кўрамиз. Жумлалар сухандоннинг талаффуз имкониятларидан келиб чиқиб, содда ва қисқа тузилади. Ёзма иншонинг эса йўриғи бошқа. Таъбир жоиз бўлса, оғзаки нутқ — гап, иншо эса — амалий иш. Шунақа одамлар борки, гапирганда ҳар битта жумлага беш қаватдан тўн кийгизишворади, даромадини анча узоқдан бошлашади. Қати бузилмаган, бели букилмаган, охори тўкилмаган, қавиғи сўкилмаган ташбеҳларни қалаштириб ташлашади. Аммо ёзмага келганда оқсоқланиб туриб қолишади. Хато устига хато. Яшириб нима қиламиз, кирилл алифбосида ярим асрдан кўпроқ ёзганимиздан кейин ҳам тўғри жумла туза олмайдиганлар оз эмас.

Таҳририятга келадиган мактубларни, расмий идоралардан, айниқса ҳуқуқ-тартибот органларидан келадиган жавоб хатларини ўқир эканмиз, бизда ёзма иншо салоҳияти ҳамон паст эканлигига минг бор амин бўламиз. Ҳалиҳали ариза ёзсак, «Бераман ушбу аризани мен ким Фалончиев Фалончи...» деб бошлаймиз. Ҳарбий хизматдан келадиган хатларда бўлса, ҳатто улар севимли маъшуқаларга ёзилган бўлса ҳам «Мен ким ушбуни ёзувчи Фалончиев Писмадончидан деб билгайсиз», дейилган жумлага албатта кўзингиз тушади.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан кейин расмий идора ҳужжатларини тўлдириш, мажлис баёнини қоғозга тушириш, «протокол» расмийлаштириш, «Тушунтириш хати», «Ишонч қоғози», «Далолатнома» каби бир қарашда унча мураккаб бўлмаган ҳужжатларни тўғри ёза олмай кўп хижолат бўлганимиз ёдимизда.

Булардан англашиладики, иншо маҳорати — бизга ҳамиша зарур. Ҳаёт тараққий этгани сари, инсоннинг ёзма фикр ифодаси ҳам камол топиб боради. Биргина мисол. Хўжалик юритишда бозор муносабатларига ўтилиши бадиий асарлар тилига ҳам таъсирини кўрсатди. Кейинги йилларда ёзилган янги асарлар қаҳрамонлари нутқига эътибор беринг — ҳаётимизнинг бугунги маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий даражаси шундоққина кўриниб турибди. Демак, тест синовларига ўтилишини сабаб қилиб, иншодан бутунлай воз кечишимиз тўғри эмас. Аксинча, бугун таълим-тарбия ишида ёзма иншонинг турфа хил кўринишларидан, масалан, баён ёзишдан, таклиф-мулоҳазаларни, хулосаларни, қиёсий таққосларни ёзма ифода этишдан кенг фойдаланмоғимиз даркор.

Иншо — миллатнинг тафаккури даражаси билан бевосита боғлиқ ёзувдир. Унга бефарқ бўлиш келажакка бефарқ бўлиш билан баробардир.

ЭҲТИРОМ

МЕҲР ЙЎЛИ

филология фанлари доктори, олима Мақсуда Содиқова ҳаётига чизгилар

«Негадир кузни ёқтираман.

Бир дунё инъомларни болаларига улашиб, сўнг ўзи ҳам завқланаётган сахий онага ўхшайди у. Дарахтлар вазминлигида донишмандлик бор. Ҳаводан қаймоқнинг таъми келади. Ҳар ёнда тўкинлик иси. Яна... Ўтган умрни сарҳисоб қилмоққа ундайди шу фасл!»

(Олиманинг кундалигидан)

Франгистонлик файласуф Волтернинг шундай гапи бор: «Доимий роҳатда бўлганинг, демак бу — ҳеч қачон роҳатланмаганингдир!» Мақсуда опанинг қўлёзмалари орасида худди шунга ўхшаш яна бир гапни учратдим: «Фақат ўзинггагина керак бўлиб яшаш, демак бу — ҳеч нарсага ярамаганингдир!»

Шунда ўйладим. Вужуднинг доимий роҳатини бахт деб билганлар озми? Танни оромдан мосуво этиб, руҳни юксалтирмоқ машаққатидан роҳатланганлар-чи?!

МАҚСУДА СОДИҚОВА ГАПИДАН: — Болалигим уруш йилларида ўтди. Отам урушга кетгач, бироз қийналиб қолдик. Эсимда, қишнинг аёзли кечаларида ўти ўчиб қолган танча атрофида совуққотибгина ўтирардик. Буни сезган онам яхши сўзлар билан кўнглимизни кўтарар, бизга эртак-достонлар айтиб берардилар. Умри узоқ бўлсин, онагинамнинг. Ҳозир ҳам ҳаётлар, тўқсон билан тўқнашиб турибдилар! Ўшанда... синглим билан онам ишлаётган фабрикага жойлашдик. Ишлаб, рўзғорга қарашдик. Мен иш давомида институтнинг кечки бўлимида ўқидим. Уруш тугагач, мактабда ўқитувчилик қилдим. Кўп ўтмай, мени ЎзФАнинг Тил ва Адабиёт институтига ишга таклиф этишди. Анча йиллик иш фаолиятим ана шу даргоҳда кечди...

Бундан йигирма беш йил муқаддам Мақсуда Содиқова илк изланиши — «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар» мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди.

— Ажойиб инсон, профессор Собиржон Иброҳимовнинг кўмаги билан мен илмнинг катта йўлига қадам қўйдим, — дея эслайди олима.

Ўшандан сўнг газета ва журналлар саҳифаларида олиманинг тилимиз ривожига бағишланган илмий ва илмий-оммабоп мақолалари кетма-кет эълон қилина борди. Мақолалар рисолаларга, рисолалар китобларга айланди...

МАҚСУДА СОДИҚОВА ГАПИДАН: — Профессор (марҳум) Аюб Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси» мавзуида ижодий изланишлар олиб бордим. Шу мавзу юзасидан кўплаб илмий мақолаларим чоп этилди. Аммо, докторлик ишим тайёр бўлганда... У йиллардаги турли қарама-қаршиликларни айтиб ўтирмайман. Ўзимдаги битта фазилатдан қувонаман. Яъни, тушкунлик менга бегона. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иродамга таянаман. Хуллас, изланишларимни давом эттиравердим. Орадан ўн йил ўтиб, докторлик ишимни қайта ҳимоя қилдим! Бу ишим аслида фан учун янгилик эди. Шундай бўлса-да, у ўз эгаларига ўн йилча кеч етиб борди.

Энди-энди ўйлайман. Ўша йиллар давомида менга нима куч-қувват берди? Иродам қуввати туфайли тунларни тонгларга улаб ишлаётган кезларимда биргина нарса — одамларга меҳр юрагимда жўш уриб турди. Бу баландпарвозлик эмас. Мен илмга бағишлаган йилларимни негадир меҳр йўли деб атагим келади.

Даврлар ўзгаришида, жамият ривожида олимлар хизмати бор. Олимлар бизга нимаси билан қадрли? Илмфанга қўшган улушлари билан. Шу «улуш»ни қўшмоқ илинжида беҳаловат умр кечиришнинг ўзи-да бир жасорат, ҳавас қилгулик тақдир, ҳасад қилгулик фидойилик. Мақсуда опанинг турли йилларда чоп этилган китобларига кўз ташлайман. «Сўздан сўзнинг фарқи бор», «Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам ширин», «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили грамматикаси», «Ҳозирги ўзбек тилида сифат», «Феъл стилистикаси», «Ўзбек тилининг орфоэпик луғати», «Нутқ этикаси», мақол-маталлар, барқарор иборалар, фразеологик луғатлар... Айримлари ҳаммуаллифликда ёзилган эса-да, олима бу китобларни ўз фарзандидек авайлайди, «ҳар сатрига кўз нурим тўкилган» дейди.

Ора-сира у болалар учун эртаклар, ўгитномалар ҳам ижод этади. Болалар учун мўлжалланган ўндан ортиқ асарларни ўзбек тилига ўгирганлар.

— Ижодингиз сермаҳсул, буларнинг барига қандай улгургансиз? — дейман.

— Ҳар нарсани билгич онагинамнинг айта-айта юрадиган нақли бор: «Ишлатсанг, бу қуллардан ишчанроқ қул-йўқ. Ишлатмасанг, бу қуллардан ялқовроқ қул йўқ!» Табиатан қатъиятлиман, режамни амалга оширмагунимча неча-неча тунлар тонгларга уланаверади. Шу инжиқлигим гоҳ ўзимгаям ёқмайди..

Олиманинг сўзларини тинглаб, яна Волтернинг ўгитини эслайман: «Катта ишлар ҳеч вақт катта қийинчиликларсиз бўлмайди!»

...Қанот жуфт бўлса, парвоз баланд бўлади. Йирик олим, академик Шоназар Шоабдураҳмонов сермулоҳаза, сермушоҳада инсон. Мақсуда опа оилада, ҳаётда шу одамга таянади, ундан маслаҳат, мадад олади. Олти фарзандни улғайтириб, элга қўшишди. Баъзилари ота-оналари изидан боришди.

Олима онагинам деб суядиган Муҳаббат ая жуда табаррук ёшдалар. Тўқсонга борган эса-да, гаплари бурро, ўзлари тетик. Ҳассасиз юриб, кўзойнаксиз чок тикадилар. Етти фарзандни «тишида тишлаб» катта қилди, Муҳаббат ая. Айни чоқда у 25 невара, 32 эваранинг ардоғида.

— Ўзим эскича ўқиган бўлсам ҳам илмли кишиларни яхши кўраман, — дейдилар. — Болаларимниям нуқул илм олишга ундаганман. Дарс қилишса, қўшилиб дарс қилганман. Ҳатто институтларигаям бирга бориб келардим. **(Куладилар.)**

Мақсуда опа кейинги йиллар ичида Тошкент Тўқимачилик ва Енгил саноат институтининг тиллар кафедрасида ишлаётиб ҳам ижод билан банд бўлди. «Ўзбек олималари» деган катта китоб яратди. Ҳар бир олимани ўрганди, ҳаёт ва ижодини тадқиқ қилди, кашф этди.

«Шу кунларга етиб келмоқ учун қанча куч-ғайрат сарф этдим. Яхшиликларга муҳаббатим нисор бўлди, неки ғашлик бор, иродам қалқон бўлди. Баъзан ўзни фидо қилдим. Меҳр йўлини босиб ўтдим. Бу йўллар кенгайгандан кенгайиб, мени фақат олдга чорлайверди. Ҳамон шу чорлов измидаман. Меҳр йўли... Бу йўлнинг ҳали давоми бор!»

(Олиманинг кундалигидан)

Ўтмиш донишмандлари айтиб ўтмишлар: «Ҳар не истасанг, ўзингдан истагил!»

Менинг хулосаларим баёни ҳам шундай. Инсон ҳаётда ўз-ўзига катта талаб қўйиб яшамоғи керак. Ўзига ишониши, ўзига суяниши даркор. Нимаики истаса, у ўзидан топади.

Ҳаёт ҳақиқати бу.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ЧЎЛПОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИСТИҚЛОЛНИ ЎЙҒОТГАН ШОИР

Боши биринчи бетда

Чўлпондаги бу жасурлик, ҳақ гапни айтишдаги мардлик ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Зеро, исёнкорлик унинг қонида, илдизларида бор эди. Тарихдан биламизки, Андижон азал-азалдан маърифатпарвар, ҳурликни, халқ эркини суйган кишиларнинг ватани бўлган. Унча узоққа бормайлик-да, кўпчиликка маълум ва машҳур бўлган, миллатни озодлик учун курашга чорлаган Дукчи Эшон бобомизни эслайлик.

Биламизки, тарихимизда ўрис истилосига қарши Дукчи Эшон қўзғолони даражасидаги халқ чиқишларини учратиш қийин. Чўлпон шахсининг шаклланишида бу воқеа ҳам муҳим рол ўйнаган. Қолаверса, Андижон Аҳмадбек ҳожи, Миркомилбой ва улуғ шоирнинг отаси бўлмиш Сулаймон баззоз каби маърифатпарвар ва халқпарвар кишиларнинг ҳам ватанидир. Шубҳасиз, шоирнинг маърифатли, эркпараст бўлиб вояга етишида мазкур инсонларнинг таъсирлари ҳам катта бўлган. Демакки, Чўлпонни тарихий муҳитнинг ўзи маълум даражада шакллантириб, тарбиялаб қўйган эди.

Бу йил Ўзбекистон халқи ана ўша букилмас ва ўтюрак шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг 100 йиллигини мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонламоқда. Мазкур қутлуғ санани ҳар томонлама мукаммал ва халқчил қилиб ўтказиш учун республикамиз ҳукумати махсус қарор чиқарди. Андижон вилояти ҳокимлиги бу борадаги ишларни 1996 йилнинг апрелидаёқ бошлаб юборган эди. Ҳукуматимизнинг юқоридаги қарори эса бу ишларга янада кўтаринкилик бағишлади. Ҳозирги кунда вилоят ҳокимлиги бутун халқ билан ҳамкорликда кўплаб ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Хўш, бу ишлар нималардан иборат?

Адиб таваллуди тантаналарини тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий режа асосида кенг қамровда бошлаб юборилган. Биринчи навбатда шуни айтишим керакки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Андижон Давлат тиллар институтига шоир Чўлпон номи берилди. Бу нафақат андижонликларни, балки барча ватандошларимизни қувонтириши табиий, албатта. Ҳозирги кунда шоирнинг тўйини муносиб ўтказиш борасида бу институтда ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳримизнинг шимолий қисмидан оқиб ўтувчи Андижонсойнинг сўлим соҳилида буюк шоирнинг азиз номидаги боғ қурилиши тугалланиш арафасида турибди. Худди шу ерда Чўлпонга бағишланган музей очилади. Боғнинг кираверишига шоирнинг ҳайкали ўрнатиляпти. Аминмизки, мазкур боғ ва музей нафақат андижонликларни, шунингдек, узоқ-яқиндан келган барча меҳмонларнинг ҳам табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланади, албатта.

Бу йил вилоят ҳокимининг қарорига асосан Андижонда мустақилликнинг 6 йиллиги ва Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Она юртим, маҳалламда гуллар байрами» шиори остида кўрик-танлов ўтказилди. Бунда адибнинг она юрти Андижонни озода ва кўркам қилиш, боғ-роғлар диёрига, гуллар масканига айлантириш кўзда тутилган эди.

Кўрик-танлов оилалар, кўчалар ва маҳаллалар беллашувларидан бошланиб, туман ва шаҳарларнинг баҳслари билан якунланди. Ғолиб чиққан туман ва шаҳарларга «Нексия», «Дамас», «Тико» русумли автомобиллар, шаҳар ва туманларда ғолибликка эришган 19 та маҳалланинг ҳар бирига эса 100 минг сўмдан пул мукофотлари берилди.

Хуллас, бу кўрик-танлов оммавий байрам тусини олди. Ҳозир барча мактаб ва меҳнат жамоаси маҳаллаларда, туман ва шаҳарларда, ўрта ва олий ўқув юртларида, корхона ва ташкилотларда, хуллас, барча-барча жойларда улуғ ҳамюртимизнинг қутлуғ тўйи катта тантаналар билан ўтказилмоқда.

Чўлпон юбилейини муносиб тарзда ўтказишда вилоятимизда яшаб ижод қилаётган ёзувчи, шоир ва санъаткорларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. Шу кунгача таниқли шоир Тўлан Низомнинг «Учар юлдуз» номли шеърий асари, шоир Наби Жалолиддиннинг Чўлпон ижодининг алоҳида қирраларига бағишланган «Чиптасиз одамлар» номли достони эълон қилинди. Таниқли режиссёр, республика телевидениеси орқали намойиш этилган Чўлпон ҳақидаги видеофилмнинг муаллифи Толибҳожи Ҳамидҳожи ўғли яна бир маъсулиятли ишга қўл урди. Йўлдош Охунбобоев номли вилоят драма ва комедия театрида шоир Тўлан Низом қаламига мансуб «Чўлпон» пиесаси саҳналаштирилмоқда. Асосий ролларни театрнинг етакчи артистлари ижро этишмоқда. Аминманки, бу асар ҳам шоиримиз тўйига муносиб туҳфа бўлади. Шунингдек, вилоятимиз ижодкорлари томонидан улуғ шоирга бағишланган яна кўплаб шеъру достонлар, қўшиқлар, публицистик ва бадиий асарлар ҳам яратилмоқда.

Бундан ташқари, шоир тўйи тантаналарининг якуний қисмигача вилоят нашриётларида турли ки-



тоблар, плакат ва открит-калар тайёрланади. Жумладан, шоирнинг сара шеърларидан ташкил топган тўплам ва Чўлпонга бағишланган асарлар мажмуаси, унинг сурати туширилган плакат босмадан чиқиш арафасида турибди. Вилоятда чиқадиган барча газеталарда улуғ ватандошимиз ижодига бағишланган саҳифалар чоп этилмоқда, телевидение ва радио орқали эса мунтазам равишда материаллар бериб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шоир Чўлпон таваллудининг юз йиллиги бутун халқимиз томонидан кўтаринки руҳ билан нишонланмоқда. Халқ ўзининг бевақт хазон бўлган шоирини яна қайтариб бағрига олди, унинг ҳурматини, қадр-қимматини ўз ўрнига қўйишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозир ҳар бир андижонлик шоир Чўлпоннинг ким эканлигини жуда яхши билади. Зиёлилар, ўқувчи ва талабалар унинг шеърларини ёд айтишади. Уларнинг қалблари улуғ ҳамюртлари билан фахр ва ифтихорга тўлмоқда.

Республика Президенти Ислом Каримов ўз нутқларидан бирида шундай деган эди: «Маънавият — инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади». Нақадар топиб айтилган гап. Дарҳақиқат, энди буюк истиқлол берган эрк ва озодлик туфайли шууримизни тозалаб, ҳаётга янгича кўз билан қараб, етук маънавиятни шакллантирмас эканмиз, буюк келажак қуришимиз мушкул.

Зеро, оналаримизнинг кўкрак сути авлиё-ю анбиё аждодларимиздан таралган маънавият зиёси билан зиёланган, жасур боболаримизнинг шону шавкатлари эса белларимизга қувватдир. Энди бизлар кўксимизни баланд тутиб, фарзандларимизга ибрат бўлгулик ҳаёт қурайлик. Юртбошимиз айтмоқчи, болаларимизга намуна кўрсатайлик. Илло, шоир Чўлпон бизга арзирли намуна кўрсатиб кетган.

Туркистон тарихида эрк ва озодликни, ҳурриятни куйлаган улуғ Чўлпоннинг ҳар бир сатри қулликка қарши нафрат ҳисси билан йўғрилган эди. У аввалига чоризм истилосидан безиб, октябр инқилобига умид боғлаган бўлса, тез орада коммунистларнинг ҳам кирдикорларини англаб етди. Туркистон халқига номигагина ҳурриятберган социалистик шўролар тузуми аслида янги, яхшигина тобланган кишан эканлигини илғади ва унга қарши курашга киришди.

Маълумки, дунёдаги барча халқлар озодлик учун курашиб келганлар. Ўша халқларнинг асосий йўлбошчиларидан бўлиб шоирлар чиққанлар. Шоирлар бу йўлда жон қурбон қилганлар — уларни отишган, осишган, аммо буюк сўз соҳиблари ҳеч қачон тиз чўкмаганлар. Ўз халқи эса улардан ҳамиша фахрланган, улар ҳақида китоблар ёзганлар, қўшиқлар тўқиганлар. Хуллас, бор овози билан ўзларининг қаҳрамон шоирларини улуғлаган.

Бизнинг ҳамюртимиз, улуғ шоир Чўлпон ҳам ана шундай шарафларга муносиб инсондир. Миллат эрки ва озодлиги йўлида кўксини ўққа тутган улуғ шоирни авж пардаларда улуғлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Токи бу — фарзандларимизга ҳам ўрнак бўлиб, Ватан, миллат йўлида жонни тикмоқлик улуғ ва қутлуғ фазилат, шараф эканлигини англасинлар.

Чўлпон ўзининг «Кеча ва кундуз» рўмонидаги бир қаҳрамон тилидан, «Туркистон халқини маърифатли қилмай туриб, истиқлолга эришолмайсиз», деган гапларни айтади. Зеро, энди том маънода маърифатли халқ бўлмай туриб, буюк келажак ҳам қуролмаймиз. Бу йўлда Чўлпон ижоди йўлчи юлдузлардан бири вазифасини бажариши шубҳасиз.

Ҳозир Андижон шаҳридаги катта бир институт, муаллимлар билим юрти, кинотеатр, энг катта шоҳкўчалардан бири, Андижон туманидаги битта жамоа хўжалиги Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон номи билан аталади. Кўча ва хиёбонларимизни, боғу биноларимиз пештоқларини Чўлпоннинг катта-катта суратлари, асарларидан олинган оташин сатрлар безаб турибди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Чунки тантаналарнинг якуний қисмига қадар Андижон чинакам байрам тусини олади — Ватанимизнинг байроғи ҳамма жойда ҳилпирайди, карнай-сурнайлар чалинади. Ўша кунлар барча туман ва шаҳарларда, асосийси, Андижон шаҳрида халққа худойи оши тарқатилади, шоир руҳига фотиҳалар ўқилади.

Бу кун Андижон ва бутун Ўзбекистон осмонида улуғ Чўлпон руҳи кезиб юрибди. Мен ишонаманки, у ҳам озод Ватанига боқар экан, ўз орзусидаги обод ва эркли юртини кўриб, фахру ифтихорга тўлмоқда. Илоҳи, бу фахр барчамизни тарк этмасин!

Н. САИДОВ,
Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари

Умарали НОРМАТОВ:

«АДОЛАТНИНГ ЙЎЛЛАРИ МАШАҚҚАТЛИ...»

Республикада хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд САЪДИЙ ТошДУ «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси мудири, профессор У. Нормatов билан учрашиб университетда Чўлпон ижодий меросини ўрганиш, нашр этиш, тарғиб-ташвиқ қилиш борасидаги ишлар ва уларнинг тарихи ҳақида гапириб беришни сўради.

— Чўлпон туғилган куннинг юз йиллиги Республикамизда муносиб нишонланмоқда, — дея сўз бошлади олим. — Бу қутлуғ санага яхши тайёргарлик кўрилди. Биламизки, Чўлпон бори-йўғи 41 йил умр кўрди, шоир умрининг ярмидан кўпроғи қизғин ижтимоий-ижодий фаолиятда ўтди; гарчи унинг шеърияти насрий асарлари, «Кеча ва кундуз» рўмони, драмалари адабиётимизда, маданий ҳаётимизда, миллий адабий тафаккур ривожида чуқур из қолдирган бўлсада, буюк адиб тоталитар режим шароитида тириклигида қадрланмади, аксинча, таъқибу таҳдидлар остида яшади, охири қатл этилди; қатл этилгандан кейин ҳам узоқ йиллар номи «қора рўйхат»дан тушмай келди. 80-йиллар охирлари, асосан истиқлол даврига келиб унинг қутлуғ номи, шаъни тиклана бошланди, ижодий мероси халққа қайтарилди, асарларини чоп этишга киришилди, ҳаёти, ижоди ҳақида салмоқли тадқиқотлар майдонга келди, асарлари театр саҳналарига, телевидение экранларига чиқди, мактаб ва олий ўқув юртлари адабиёт дастури, дарсликларидан ўрин олди, 1991 йили Қодирий, Фитрат қатори Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди; бугунги кунда унинг номида институт, нашриёт, кўплаб маданий муассасалар, махсус мукофот бор. Буларнинг барчаси кейинги ўн йил ичида рўй берди. Хўш, авваллари-чи?

20-30-йилларда Чўлпон бошига тушган қора кунлар, унинг ижоди теварагида кетган машмашалар, ниҳоят, 37-йилда ҳибсга олингани, 38-йилда қатл этилгани, сўнг кўп йиллар давомида асарлари таъқиб остида бўлгани тўғрисида архив ҳужжатлари, замондошлари хотиралари, тадқиқотчилар асарлари орқали анчамунча нарсаларни биламиз. Мен бу ерда 50-йиллар ўрталаридан ўзим университетда ўқиган, аспирантурада таълим олган, ниҳоят, 60-йиллар бошларида республика адабиёт илмининг мўътабар марказларидан бири деб тан олинган ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаган кезларим Чўлпонга муносабат борасида шахсан ўзим бевосита шоҳид бўлган айрим воқеаларни эслаб ўтмоқчиман.

Бир неча йиллардан бери Америкада яшаб, у ерда олий ўқув юртлари талабаларига ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ бераётган, жиддий тадқиқот ишлари олиб бораётган дўстимиз Хайрулла Исматуллаев Би-би-си радиосида 1997 йил 23 октябр кунги Чўлпон ижодининг хорижда ўрганилишига оид мазмундор суҳбатида мунозарали бир фикрни ўртага ташлади. Унинг даъвосига кўра, 60-80-йиллар давомида хориждаги тадқиқотчилар Чўлпон меросини холисона ўрганиш, тарғиб қилиш соҳасида катта жонбозлик кўрсатганлари ҳолда, адибнинг ўз юртидаги адабиётшунослар бу борада лом-мим демай қўл қовуштириб турган эмиш. Бу даъвога асло қўшилиб бўлмайди.

Хайрулланинг ўзи ҳам 60-70 йиллари университетда ишлаган, яхши билади: ўзбек адабиёти кафедрасида, Субутой Долимов, Аҳмад Алиев, Норбой Худойберганов,. Ботир Акрамов, Абдуғафур Расулов, биринчи галда, Озод Шарафиддинов каби кафедра аъзолари қўнглида Қодирий, Фитрат, айниқса, Чўлпонга нисбатан хайрихоҳлик руҳи ниҳоятда, кучли эди. Шу руҳ талабаларга ҳам кучиб ўтган эди. Ҳар қанча эҳтиёт чоралари кўрилмасин, университет аудиторияларида Чўлпон сатрлари янграб турарди. Талабалар қўлида «Кеча ва кундуз», «Ёрқиной», «Тонг сирлари»нинг кўчирилиб муқоваланган қўлёзма нусхалари айланиб юрганлигини билардик, билиб ўзимизни билмасликка олардик. Ўша кезлари университетда таълим олган, шу ерда етишган деярли барча шоирлар ижодида Чўлпон шеърияти руҳи мавжудлигини пайқаш қийин эмас.

Хориждаги чўлпоншуносларда фарқли ўлароқ ўз юртидаги, жумладан, университетдаги олимлар бу борада қандай оғир шароитда иш олиб борганликларини унутмаслик даркор.

Озод ака 60-йиллариёқ Чўлпон ижодининг энг ботир, жасур тадқиқотчиси, тарғиботчиси сифатида танилган эди. У XX съезддан кейин Ёзувчилар уюшмасида Чўлпон ижодий мероси бўйича тузилган комиссия аъзоси сифатида мустақил фаолият бошлаб юборган эди; олим тез орада Чўлпоннинг ўз вақтида чоп этилган, фидойи китобхонлар қўлида сақланиб қолган деярли барча асарларини тўплашга эришди. Унинг ташаббуси билан 1967 йили босилган ва чиқар-чиқмас ман қилинган «Тирик сатрлар» тўпламига Чўлпоннинг йигирмадан ортиқ шеърлари киритилди. Худди ўша йили аввал «Шарқ юлдузи» журналида, кейин «Адабиётимизнинг ярим асри» тўпламида эълон этилган «Йиллар ва йўллар» мақоласида олим Чўлпон ижодига, шеъриятига ижобий баҳо беришга ҳаракат қилди. Мазкур мақола учун Озод ака «Чўлпоннинг тарғиботчиси», бинобарин, миллатчиликка майли бор одам сифатида қора рўйхатга тиркалди.

Шу орада Ёзувчилар уюшмасида марказқўмнинг идеология бўйича секретари иштирокида ўтган катта бир анжуманда «Фан» нашриёти чиқарган адабиёт тарихида Чўлпон шеърияти асоссиз, ғайриилмий йўсинда танқид остига олинганлигини «Баҳорни согиниб...» шеъри таҳлили мисолида домла ғоят ишонарли қилиб кўрсатиб берди. Залда ўтирганларнинг кўпчилиги, билиб турибман, Озод ака томонида. Бироқ марказқўм секретари охирги сўзида Озод акага эътироз билдирди, уни чимдиб ўтди, «Чўлпон бизнинг шоиримиз эмас, у ҳеч қачон бизники бўлолмаслиги»ни уқтирди.

70-йиллари университетда олий ўқув юртлари муаллимларининг малакасини ошириш курслари, жумладан, ўзбек адабиёти факултети ташкил этилган, ўша кезлари бу факултет жўшқин фаолият олиб борар, Озод ака каби етук ҳақиқатгўй домлаларнинг маърузалари ғоят мароқли ўтар эди. Озод ака ўзига хос жасорат билан ўзбек адабиёти тарихи, жумладан, Қодирий, Чўлпон, Фитрат ижоди ҳақида бор ҳақиқатни айтишга интилар, хусусан, Чўлпон ижоди ҳақида ёниб сўзлар, шоир шеърларини бемалол тингловчиларга ўқиб бераверар эди. Эҳтиёт юзасидан домла тингловчиларга таништириш учун кўпроқ Чўлпоннинг сиёсатдан йироқроқ туюлган пардали ёки советларга хайрихоҳлик руҳидаги шеърларини танларди. Шунга қарамай, тингловчилардан бири, ортодоксал коммунист, фан номзоди, ташқаридан келган эмас, балки Озод ака билан бирга ишлайдиган муаллима домланинг «университетдек муқаддас даргоҳ»да миллатчи, аксилинқилобчи Чўлпон шеърларини ўқишига тоқат қилолмай» зудлик билан университет парткомига арз билан киради. Раҳбарият дарҳол факултет декани, кафедра мудирини чақириб Озод ака иштирокида бу «қалтис масала»ни муҳокама қилишади. Озод ака муҳокама чоғи аудиторияда ўқиган Чўлпон шеърлари билан муҳокама қатнашчиларини таништириб уларнинг нимаси «зарарли» эканини сўрайди. Тайинли жавоб бўлмайди. Озод ака бу ишни бундан кейин ҳам давом эттиравершини айтади. Муҳокама Озод акага бунақа масалада «бир оз эҳтиёткор бўлиш зарурлиги»ни эслатиш билан якунланади. Ҳар ҳолда, ўша йиллари университет тепасида юксак маърифатли, бағри кенг одамлар турганлигини эсдан чиқармайлик.

Яна бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. «Вопросы литературы» журналининг 1985 йил 12-сонида Норбой Худойберганов-нинг танқидчиликдаги провинционализм ҳақидаги салмоқли мақоласи чиқиб қолди. Мақолада, жумладан, Чўлпон ижодий мероси ҳамон эътибордан четда қолаётганлиги, асарлари босилмаётгани айтилган эди. Орадан сал фурсат ўтмай марказқўмдан университет парткомига қўнғироқ қилишиб, тезликда бу мақолани муҳокама қилиш, унинг муаллифига партиявий чора кўриш топширилади. Шу масалада парткомга Озод ака билан мени чақиришди. Озод ака котибга ётиғи билан мақола моҳиятини тушунтирди, Норбой партия аъзоси эмаслигини эслатди; бунинг устига мақола Москва нашрида чиққанлиги, ундаги гаплар ҳозир катта шовшувлар учун асос бўлолмаслиги, агар шундай қилинса университет шаънига доғ тушиши мумкинлигини айтди. Котиб иккиланиб қолди, марказқўм билан телефон орқали боғланиб, бўлган гапларни юқорига етказди. Марказқўм ходимлари ўз сўзларида туриб олдилар, мақолани эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини, албатта, муҳокама қилиб, муаллифига чора кўриш ва бу ҳақда марказқўмга ёзма ахборот бериш кафедрага топширилди. Менинг қўлимда марказқўм учун 1986 йил 12 мартда тайёрланган айни шу хусусдаги батафсил тушунтириш хати сақланади. Озод ака маслаҳати билан Норбой иккимиз тайёрлаган бу тушунтириш хати ўзи бутун бир тадқиқот экани, Чўлпон ўша шароитда айланма йўллар билан ҳимоя қилинганлигини эслаб ҳайрон қоламан. Бугун тушунтириш хатидаги даъво-фикрлар жўн, арзимас гаплар бўлиб туюлиши мумкин. Унда шўро нашрларида шоир тўғрисида айтилган барча, илиқ гаплар келтирилган эди. Қаранг, ўн йил бурун Чўлпон ҳақида шу гапларни юқорига етказиш нақадар машаққат, борингки, жасорат бўлган!

1983 йили Аҳмад Алиевнинг «Адабий мерос ва замонавийлик» деган китоби менинг мухтасар сўзбошим билан босилиб чиқди. Китобдаги 20 - йиллар адабиётига, жумладан, Фитрат, Чўлпон ижодига оид айрим мулоҳазалар, илиқ гаплар катта шовқин-суронга асос бўлди, «Ўзбекистон адабиёти а санъати»да китоб хусусида катта бир танқидий мақола чиқди. Ўзбек адабиёти кафедрасидаги «носоғлом муҳит»ни, «мафкуравий-сиёсий оғишлар»ни тафтиш этиш учун махсус комиссия иш бошлади... Яна мен ҳайрон қоламан, катта дағдағалар билан тафтиш бошлаган комиссия фаолияти негадир натижасиз якунланди, факултетда, кафедрада ҳеч кимнинг бурни қонамади. Бу сирли ҳайрли ишларда қандайдир соғлом кучларнинг, биринчи галда, университет раҳбариятининг қўли борлиги аниқ.

Ниҳоят, яна бир кичик ва ўз даври учун муҳим воқеа. 1985 йил февралида университетда анъанавий навоийхонлик анжумани ўтказилди. Анжуманда талабалар ҳам маърузалар билан қатнашди. Жумладан, истеъдодли талабалардан Раҳмон Қўчқоров Навоий ва замонавий адабиёт мавзуида чиқиш қилди. У «Фарҳод ва Ширин» достонидаги бир поэтик лавҳа билан Чўлпон шеъриятидаги муштараклик ҳақида сўз очиб «Ғўзал» шеърини ёддан ғоят таъсирчан ўқиди. Раҳмоннинг бу иши залдагиларни лол қолдирди, президиумда ўтирганлар орасида саросима бошланди: маърузачини тўхтатишнинг иложи йўқ, тўхтатмаслик эса кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин... Шунда президиумда ўтирган таниқли бир шоир бу «қалтис воқеа»дан ўзини четга олиш мақсадида секингина ўрнидан туриб ғойиб бўлди... Бу воқеа ўша куниёқ бутун шаҳарга овоза бўлиб кетди: нима дейсан, университетдаги катта анжуманда Чўлпон шеъри декламация қилинибди!

Эртасига эрталабданоқ текшир-текшир бошланди. Мендан дарҳол «Ғўзал» шеърининг матнини топиб бериш, тушунтириш хати ёзиш сўралди. Масъул шахс шеър ва тушунтириш хати билан танишгач, «Ғўзал» шеърида сиёсат йўқлиги тўғри, лекин пессимизм аломати бор экан, уни катта минбардан талабалар олдида ўқиш ножоиз деган фикрни айтди. Шундай қилиб бу гал ҳам, одатдагидек, можаро хийла силлиқ ҳал бўлди.

1989 йил 7 февраль куни марказқўмнинг идеология бўйича котиби хонасида бўлиб ўтган республикамизнинг таниқли олимлари, адиблари иштирокидаги кенгашда мен ҳам қатнашган эдим. Чўлпон, Фитрат ижоди, меросига муносабат масаласида кетган қизғин баҳслар чоғида Озод аканинг мардона туриб бу алломаларни, айниқса, Чўлпонни ҳимоя қилганлиги ёдимда. Муҳокама қанчалар жиддий, кескин тусда ўтган бўлмасин, ўша йиғиндан кейин бу алломаларга муносабатда юмшаш руй бера бошлади. Орадан кўп ўтмай Чўлпон асарлари халққа қайтарила бошланди; «Кеча ва кундуз» рўмони Озод ака сўзбошиси билан «Шарқ юлдузи»да эълон этилди, олимнинг таҳрири билан «Яна олдим созимни» номи остида Чўлпоннинг танланган асарлари чиқди. 1992 йили университет раҳбарияти ташаббуси билан Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси ҳузурида 20-30-йиллар адабиётини тадқиқ этувчи махсус илмий марказ ташкил топди, марказ қисқа фурсат ичида Қодирий, Чўлпон, Фитрат меросини халққа қайтариш, ижодларини тадқиқ қилиш соҳасида самарали ишларни амалга оширди; жумладан, Чўлпоннинг уч жилдлик асарлари, «Адабиёт надир» номи остида шоирнинг адабий-танқидий мақолалари ва у ҳақдаги хотиралардан иборат китоб чоп этилди, «Чўлпон дунёси» деган тадқиқотлар тўплами нашрга тайёрланди; «Чўлпон», «Чўлпонни англаш», «Руҳий дунё таҳлили» каби рисолалар нашр қилинди; бир қанча истеъдодли ёш чўлпоншуослар етишди, Замира Эшонова, Дилмурод, Қуронов, Улуғбек Султонов, Нормамат Йўлдошев Чўлпон ижоди бўйича номзодлик диссертацияларини ёқладилар; Д. Қуронов «Чўлпон насри поэтикаси» мавзуидаги докторлик диссертациясини интиҳосига етказди.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... Истиқлол шарофати билан Чўлпоннинг 100 йиллик тўйи муносиб нишонланмоқда. Шу қутлуғ кунларда XX аср янги ўзбек адабиётининг буюк намояндаси Чўлпон ҳақидаги адолатнинг не-не машаққатлар билан юзага чиқишида ТошДУдаги адабиётшунос олимларнинг ҳам камтарона ҳиссаси борлигидан қувонамиз.

«АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ УФҚЛАРИ»
Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма
Тошкент, «Ўқитувчи», 1997

доимий ҳамроҳ

«Одамларнинг маънавиятини юксалтирмай туриб улар яшайдиган жамиятни юксалтириш, маънавиятни соғломлаштирмай туриб жамиятнинг соғломлигини таъминлаш, фуқароларда эзгу ахлоқий фазилатларни шакллантирмай туриб адолатли жамият қуриш мумкин эмаслиги аён бўлганлиги учун ҳам бизнинг мамлакатимизда маънавият муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этмоқда», деб ёзади адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев атоқли олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Адабий меросимиз уфқлари» китобига ёзган сўзбошида.

Таниқли навоийшунос, профессор А. Ҳайитметовнинг бу китобидан жой олган мақолалар китобхонларни кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек мумтоз адабиётининг шу вақтга қадар кам ўрганилган масалалари доирасига олиб киради, унинг долзарб назарий муаммолари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Муаллифнинг, хусусан, Алишер Навоий ижодиёти билан боғлиқ мақолалари улуғ шоир шеъриятининг сир-асрорларини, бадиият оламини чуқурроқ англашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Китоб «Адабий мерос ва замон», «Истеъдоднинг олмос қирралари», «Қомусий маълумотлар» ва «Қайдлар. Хотиралар» каби қисмларга бўлинган. Бу қисмларга киритилган мақолаларда миллий адабиётшунослигимиз илдизлари нечоғли узоқлиги, мумтоз адабиётимизнинг энг муҳим назарий жиҳатлари, машҳур адабий сиймолар ҳақида чуқур илмий фикр-мулоҳаза юритилади. Туркий миллат фахри бўлган ҳазрати Алишер Навоий ижодининг хилма-хил қирралари маърифий нуқтаи-назардан қизиқарли тадқиқ этилади, бир қанча ғазаллари бадиий таҳлил этилади. Китобнинг «Қайдлар. Хотиралар» деб номланган қисмидаги мақолалар, бир қарашда, китобнинг умумий йўналишига ҳамоҳанг эмасдай туюлсада, аслида инсоннинг маънавий иқлимида бадиий асарлар туфайли рўй берадиган ғўзал ўзгаришлар тадқиқига бағишлангани билан нашр руҳига сингишиб кетган.

Маърифий жиҳатдан ғоятда қимматли, педагогик томондан жуда ибратли, методик нуқтаи назарда фойдали «Адабий меросимиз уфқлари» китоби нафақат ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, балки барча адабиёт ихлосмандларининг эътиборини қозонади, деб ўйлаймиз.

Қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, умумтаълим мактабларининг адабиёт ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган. Китобдан, шунингдек, ўзбек адабиёти, унинг мумтоз қисми тарихи ва назарияси билан қизиққан китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

«Адабий меросимиз уфқлари» 3000 нусхада нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика Таълим маркази нашрга тавсия этган. Муҳаррир Ҳ. Нуруллаев. Китобни мусаввир Т. Саъдуллаев безаган.

ИСРОИЛ МИРЗАЕВ
«Давр руҳи ва адабий жараён»
«Зарафшон» нашриёти, Самарқанд, 1997

Бадиий тафаккур сарҳадларини белгилаш, уфқини, чўққисини ўлчаш, ҳозирги адабий жараённинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш, етакчи тамойилларини аниқлаш, шунингдек, шоир-ёзувчиларнинг баркамол асарлар яратишдаги сеҳрли дунёси, ранг-баранг ижодхонаси, тасвирлар санъатини холис баҳолаш, янгича талқин этиш ва илмий-оммавий таомилга олиб кириш шу куннинг долзарб вазифаси ҳасобланади. Бу, ўз навбатида, адабиётшунослик фани ва адабий танқидчилик олдига қўйилган улкан масъулият — «Адабий жараён» фани бўйича мустақилликни мустаҳкамлаш туйғуси, янгича дунёқарашлар, янгича тадқиқ ва талқинлар силсиласида дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари яратиш талабини тақозо этади.

Таниқли адабиётшунос олим Исроил Мирзаевнинг «Зарафшон» нашриётида чоп этилган «Давр руҳи ва адабий жараён» рисоласида ҳозирги ўзбек адабиётининг умумий манзараси, етакчи йўналишларини англаш, холисона илмий баҳолаш, адабий жараён ҳодисаларини назар-эътибордан ўтказиш, айрим қонуниятларини „тўғри белгилаш ҳақида мушоҳада юритилади.

Китоб филолог мутахассислар, олий ўқув юртлари талабалари, умуман, сўнгги йиллар адабий жараёни билан қизиқувчиларга мўлжалланган. «Давр руҳи ва адабий жараён» рисоласи 500 нусхада босилган. Муҳаррир А. Абдураҳмонов



ЗИДЛОВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР

Сиз катта кемада сузяпсиз, аммо
Сизнинг кемангиздан қайиғим авло.

Сиз учқур бурокда учяпсиз, лекин
Мен манзилга яёв бораман секин.

Сиз энг текис йўлдан келасиз, бироқ
Сизнинг йўлингиздан сўқмоқ яхшироқ.

* * *

Одамлар ухласин, қушлар тин олсин,
Сувлар ҳам уйқуга кетсин тонггача.
Тошлар ҳозиргидек товушсиз қолсин,
Чечаклар чекинсин жондан жонгача.

Дунёнинг тубига етган қудуқлар
Яна ҳам чуқурроқ кирсин тупроққа.
Ҳозир ҳамма-ҳамма тезроқ беркинсин,
Мен чиқиб боряпман...

...сўроққа...

* * *

Сиз ёқларда шом чўкаётир.

Деразадан қарайди дафтар,
Бир китобни ўқир ҳафталар.

Сочларини тарайди тароқ,
Юзларига нур суртар чироқ.

Сиз ёқларда шом чўкаётир.

Мендан қочиб кетган қувғин бахт —
Ойинадан қараган дарахт

Салим АШУР

КЎРДИМ КЎЗЛАРИМГА ТЎЛГАНДА БАҲР

Назаридан бекинар кўй-лак,
Рўмол — қора аждарга йўр-гак.

Сиз ёқларда шом чўкаётир.

Миз устида беэга сабоқ,
Уйқугача ҳали кўп узоқ.

Хонангизга киргум аслида
Сиз ўйлаган хаёл шаклида...

Қалб тубига шом чўкаётир,
Осмон қора гул тўкаётир.

* * *

Мен чин севдим! Ўттиз ёшимни
Ўттиз шамдай тутдим қўлингга.
Никоҳладинг чақмоқтошимни
Йигирма тўрт қизил гулингга.
Чўғлар янглиғ холингда ёниб,
Ёлғонни кўп, чинни кам кўрдим.
Кечалари қўлларим қонаб
Хиёнатнинг сочини ўрдим.
Ҳар тун севгим гўристонига
Гўдакларни қўйиб кетдим мен.
Чап кўзингнинг оқ осмонида
Парвонадек куйиб кетдим мен.
Кетсам ортга қайтмасман, билгил,
Кафтларингда синар тирноқлар.
Ёмғир эмас, баргдек дилдираб,
Вужудингдан ёғар титроқлар.
Куш кўрмаган кўзаларингни
Тошларимга тўкиб кетдинг сен.
Сочларимнинг ораларига
Оқ гулларни экиб кетдинг сен.
Ҳамширам, шўр яраларимга
Малҳам эмас, ёлғонни босдинг.
Узук, сирға, мунчоқ ўрнига
Тошкан, Сурхон, Қўқонни осдинг.
Мен дунёни бир китоб каби,
Бир мактубдай ўқиб тугатдим.
Юрагимни фақат сен билан
Яшамоққа, ишон, ўргатдим.
Мен чин севдим! Ўттиз ёшимни
Ўттиз шамдай тутдим қўлингга.
Никоҳладинг чақмоқтошимни
Йигирма тўрт қизил гулингга.

* * *

Ҳаммаси бир дамда тугади. Тамом.
Бир дамда денгизга чўкмоқда кема.
Қуёшни жўнатдим, ана, сен томон,
У ҳам бу ёқларга айланиб келмас.

Кўрдим кўзларимга тўлганда баҳр,
Сен ҳам кўр-кажрафтор нечоғ мунаввар.
Энг ёмон дугонанг — энг ёруғ сипеҳр,
Энг оддий сифотинг — энг ноёб гуҳар.

Бир дақиқа ўтди. Баҳру бар абас,
Ҳаётимни бузди Момо Гулдурак.
Оёғинг остида тош синиғимас,
Тошдек майда-майда сочилган юрак.

Ҳаммаси тугади бир дақиқада,
Зилзилалар келди қўл ушлаб саф-саф.
Эй душмани — нукта, эй оғзи — нуқта,
Энг ғариб сифотинг — энг нодир садаф.

Топгандим. Йўқотдим барин бир зумда,
Бўм-бўш уй дунёга ваҳима солди.
Деворда «Бахт берсин» деган ёзув ва
Михларда илинган кийиминг қолди.

КУЗАТИШ

Ҳозир кетар соҳир кемада,
Соҳил, оҳ, ул энди келмайди.

Битта варақ ҳар битта тўлқин,
Эшкак, саҳифалаб ўқигин.

Сийнасидан учмоққа ўхшар
Қўлларимга ўрганган қушлар.

Кафтим эмас, иккита қушим,
Қушим эмас, муаллақ ҳушим.

Кўзларини қирғоқдан узмас...
Ва дунёнинг тинчини бузмас.

Аъзам РАҲИМ

ПОЙИМГА ТЎКИЛАР КУЗ ЯПРОҚЛАРИ



ЯПРОҚ

Тўкилар пойингга куз япроқлари,
Сен бемалол уни босиб ўтасан.
Қизиқтирмас сени чеккан оҳлари,
Борлиқни титратиб ўтиб кетасан.

Сўнггиси сочингга осилиб қолар,
Бўйингга маст бўлиб тебранар телба.
Сен юлиб оласан, олмасанг агар,
У юрак остига урар бир зарба...

Қўлингда ғижимлаб эзасан аста,
Минг битта бўлакка бўлинар япроқ.
Бир дарахт қолади — юраги хаста,
Сочларини юлиб қолади бир боғ.

АННА АХМАТОВА

Авради алдамчи баҳорлар,
Висолни боқий деб бир умр.
Шўралар баргида шудринглар —
Ҳижроннинг рангидай шаффоф дур.

Тош йўлдан ўтмади оқ извош,
Синмади настарин шохлари.
Оқ қайин танига қўйиб бош,
Йиғлади бардошнинг моҳлари.

Тақдирга ёнмоғи битилган,
Дафтарлар кул эмас, ўт бўлди.
Фалакнинг чархига отилган,
Палахмон тошлари ёт бўлди.

Кузакнинг хаёли бир сидра
Ечилди. Алданди баҳорлар.
Сочини тарайди «асира»,
Тўкилар хотиржам оқ қорлар...

ЭРКИНЛИК

Ҳар кун киядиган оппоқ яктагинг,
Эгнингга иласан андиша билан.
Кўйлакка ҳам сенинг келади раҳминг,
Ранжитиб қўйишдан жуда қўрқасан.

Ёлғиз дардларингга ҳамдард хонангга,
Хайр, деб чиқасан, эшик ғичирлар.
Ортингдан эргашиб қолар йўқчилик,
Соянг кулоғингга аста пичирлар.

Тўйиб-тўйиб эркин нафас оласан,
Вужудинг эзилар, кўнглинг тўлмайди.
Юрагинг орзиқар, кутиб толасан,
Ичингда ўлмасанг — умид ўлмайди.

Атрофга қарайсан, таскин излайсан,
Қўлларинг шалвираб тушар бўшлиққа,
...Изғиб елаётган дарбадар шамол,
Овози ўхшайди мунгли қўшиққа.

Дарахтнинг учида қолган япроқ-чун,
Илтижо қиласан, бардош тилайсан.
Совуқда тентираб юрган кучукнинг,
Бошини меҳр-ла секин силайсан...

...Қайтасан қадрдон хонангга охир,
Елкангга осилиб умид ухлайди.
Умидни кўтариб юрмоқлик оғир,
Кўча-кўйга ташлаб кетиб бўлмайди.

ШАВКАТ РАҲМОННИНГ ЭНГ СЎНГГИ ТУШИ

Юлдузларга тўладир осмон,
Нурларида минг битта жилва.
Ой сузади — танҳо фаришта,
Жилдирайди қадрдон жилға.

Девор орти чорбоғ томонда
Чигирткалар сайрайди тинмай.
Ой нурида салобат билан
Сулаймон тоғ туради жилмай.

Чекка уйда чироқ нурида,
Алла айтар онаси хушҳол.
Бутун борлиқ қотиб қолган-у,
Сал шовиллаб кўяр эди тол.

Барчасини кузатиб ётган
Ўспириннинг хаёли мисол,
Бутун борлиқ бирдан жонланар,
Сўри томон елади ҳилол.

Юлдузлар ҳам энди ёнида,
Қўл узатса ушлаб олгудай.
Қулоғининг остида алла,
Барчасини куйга солгудай.

Ортда қолар салобатли тоғ.
Таниш дарё шовуллаши ҳам.
Тарк этмайди қадрдон алла,
Кун ёйилиб борса-да тарам...

Тонг отади. Мунаввар оқ тонг,
Нафасида абадий алла...

Озод МУЪМИН

КУЙГАН ГУЛЛАР

Ён дафтардан

Кўзланган манзилга — Сибирдаги ўртача бир шаҳарга поездда ҳар бир катта-кичик бекатларда тўхтайвериб етиб келгунимча гулларим куйиб-сўлиб бўлибди. Барибир уларни бир нима қилиб, ярим нархига бўлсада сотиш керак. Бу ерда, етказиб берилувчи молларимизни сотаётган шеригимиз мени кутиб олди. «Майли, юрагингни сиқма, кетказишга уриниб кўрамиз, — деди у. — Бугун дам ол, чарчагандирсан. Мен квартира гаплашиб қўйганман».

Шаҳар четида, қалин ўрмонзорларга яқин жойда ўрисона, бир қаватли, ёғочдан қурилган уй экан. Хонадон эгаси ва соҳибаси хизматда-ми, мени бир кампир қарши олди: «Мана сенинг хонанг, — кўрсатди у, мўъжаз эшикни очиб, — яшаш ҳақи шеригинг билан келишилган. Чой ичасанми?»

— Майли, — дедим мен, мулозамат қилмай, чунки иссиққина чой совқотган вужудимга тириклик сувидек таъсир қилиши тайин эди. Кампирнинг таклифидан бир оз таажжубландим ҳам. Чунки, ўрта минтақадаги ўрислар, айниқса, ўзлари меҳмонга чақирмаган бўлсалар, уйларига беҳосдан ташриф буюрган кишиларни дастурхонга чорламайдилар. «Балки, узоқ Тошкентдан келганим учундир», — ўйладим мен.

Енгил кийим кийиб, юз-қўлларимни ювгач, қуруқ кирмай, жомадонимдан бир ховуч туршак-мағиз олдим.

— Олмаотаданмисан ё Тошкентданми? — сўради у, қаршимда ўтириб стаканга чой қуяркан. Негадир, сибирлик, олтойликлар учун жанубда фақат икки шаҳар мавжуд — Олмаота ва Тошкент. Унга синчиклаб қарадим. Чамамда, кампирнинг ёши етмиш бешларда, жуда ҳам шарти кетиб, парти қолмаган эди. Оддий уй юмушларини бажариб юрса керак.

— Тошкентданман, бабушка, — дедим мен.

— Мени «бабушка» дема, «аний» де, биз ўрис эмас, татарбиз, — деди у, қандайдир билинар-билинмас ғурур билан, — мусулмонмиз!

— Худога шукр, — сўз қотдим мен. — Шундай жойларда ҳам мусулмонлар бор экан.

— Чойни иссиқ-иссиқ ич, — қистади аний, — шакардан сол, кувват беради. Чарчагандирсан йўлда?

— Йўл азоби — гўр азоби дейишади биз томонларда. Мен ярим соат тин олсам бўлди, чарчоғим чиқиб кетади.

— Чойни ичгин-да, ухлаб ол. Сўнг ишларингни қиларасан. Иш тугамайди. Бизнинг одамлар ҳам ишдан ҳеч бўшашмайди. Шаҳримиз — кон шаҳри. Бутун ҳаёт шу конга боғлиқ. Ўғлим, келиним, набирам ҳам ўша ерда, — жилмайди кампир. — Сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Бемалол, — дедим мен, анийни нима билан мамнун қиларкинман деб ўйлаб.

— Жаноза ўқишни биласанми?

Бундай савол кутмагандим.

— Йў-ўқ, — жавоб қилдим ҳайрон бўлиб.

— Қуръондан нималарни биласан? — умид билан сўради у яна.

— «Алҳамдулуллоҳ» билан «Қулҳу аллоҳу аҳад»ни.

— Ҳар тугул. Қани бир ўқи-чи! — енгил тин олди у.

Мен кўлимдан келганча шу икки сурани ўқидим ва Аллоҳга, шу ердан ўтганларга, умидворларга бағишладим.

Анийнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Ё парвардигор, ё Аллоҳ! — деди у илтижо билан Яратганга. — Шу йигит кеттунича менинг жонимни ол!

— Вой, нега бундай деяпсиз?! — ҳайратга тушдим мен. — Яхши ният қилинг. Аллоҳдан умр сўранг!

— Сен бизникида неча кун турасан? — сўз қотди у.

— Бир ҳафтача...

— Ё Аллоҳ! — яна Яратганга илтижо қилди у...

Кампир бир оз жим қолди. Сўнг гапини давом этдирди.

— Менинг ота-онам бу шаҳарга ёшликларида комсомол йўлланмаси бўйича келишган. Оғир давр эди. Динга қарши кураш борарди ўша замонларда. Сал нарсага қамашарди, отиб ташлашарди. Шунинг учун, менга мусулмончиликдан ҳеч нарса ўргатишмаган. Ҳозир эса, улар ўлиб кетишди. Мен катта бўлдим, қаридим. Болам ҳам улғайди. На кофирмиз, на бошқамиз. Атрофда бирон бир мачит йўқ, билимдон мусулмон йўқ. Ахир мен Аллоҳ Таолонинг қошига қандай бораман? У мени қандай қабул қилади? Ким менинг жасадим устида Қуръон тиловат этади? Мана сен, ҳар ҳолда, Қуръон ўқир экансан. Шу ҳафтада парвардигор жонимни олса, тўғриз қавмида кетмайман. Сен борсан — руҳимга бағишлаб Қуръон ўқийсан. Энди мен ҳар куни илтижо қиламан — сен кетгунингча Яратганнинг олдига борай! Ҳаётимни яшаб бўлдим. Орзуим — одамга ўхшаб, мусулмончасига кўмилиш.

Мен нима дейишимни ҳам, нима демаслигимни ҳам билмасдим.

— Ўзига ўлим тилаш — гуноҳ бўлади, — дедим ниҳоят. — Вафот этсангиз, тиловат қиладиган бирон киши топилар.

— Сени менга Аллоҳнинг ўзи етказди, ўғлим. Чойинг совиб қолмасин. Майли, ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлсин деганларидек, шу ўқиган сураларингни менга ўргат, — илтимос қилди аний.

— Жоним билан, — жавоб бердим мен ва сураларни ўз билганимча ўргата бошладим. Қоғозга ёзиб бердим.

* * *

Бир неча кун мобайнида бозордан қайтгач, кечки пайтларда аний билан ҳамсуҳбат бўлдим. У «Алҳамдулуллоҳ» билан «Қулҳу оллоҳу аҳад»ни ўқир, қандай талаффуз қилаётганини сўрарди. Билганимча уни тузатардим.

Ниҳоят, шеригим билан гулларни амаллаб сотдик. Мўлжалдаги фойда чиқмаса-да, ҳар ҳолда зиён қилмадик. Энди мен бир-икки кун ўзимизбоп нарсаларни харид қилишим ва ортга қайтишим керак эди. Бу ҳақда анийга ҳам айтдим. Аний маюсланиб қолди.

— Кетасанми, а? — деди у. — Мен шунча кун парвардигордан икки нарсани сўрадим: жонимни олишини ва гулларингни сотилишини. У иккинчи илтижоимни қабул қилибди. Бўлмаса, шошмай тур, мен ҳозир.

У ўрнидан турди-да, ўғлини чақириб келди.

Унинг ўғли эллик ёшлар чамасидаги басавлат киши эди.

— Ўғлим! — деди аний унга юзланиб. — Меҳмонимиздан Қуръон ўқишни ўрганиб ол. Яна икки кун турар экан. Мен вафот этганимда тиловат қиласан. Қандай кўмишни, кафанлашни ҳам сўраб ол... Квартира ҳақи олма. Кетадиган куни машинангда кузатиб қўй!

— Хўп, она! — деди ўғил.

* * *

Сафарим қаригач, поездга чиқиб ўзимнинг иссиқ ҳаволи, нурафшон юртим томон кетар эканман, ўйлардим. Ўша, ота-боболаримиз қақшатилган оғир даврларда, болшевиклар одамларни диндан қайтариб, менинг куйган гулларимдек қилиб қўйишган экан-да. Ахир, фақат мана шу шимолий минтақада эмас, бизда ҳам Аллоҳнинг оддий каломларини билмайдиган — куйган гуллар ҳанузгача бор-ку! Гоҳо-гоҳо, маърака, таъзияхоналарга келувчиларнинг бир қисми тиловат қилиб берувчига илҳақ қараб турадилар. Нахотки, улар шу анийдек ўз охиратларини ўйламайдилар. Яна ким билади. Балки ўйлашар. Баҳо беришга бизнинг ҳақимиз йўқ. Бу иш ёлғиз Аллоҳга тегишли. Ҳаммамиз, Унинг ўстирган — куйган ва куймаган гулларимиз.

СУКУНАТГА ТЕРМУЛГАН СОҒИНЧ

Қутлаймиз!

Эл орасида одамни бириям ҳамроҳ бўлиб, бириям ҳамсоя бўлиб биласан, деган қабилдаги бир ҳикматли гап бор.

Ҳамроҳлик ё қадрдонликни пайдо қилади ё...

Ҳамсоялик ё бир-бирига иззат - ҳурматни юзага келтиради ё...

Иккинчи ё...нинг йўли дилозорлик томон кетади. Иккинчи ё... ҳазарга тортади. Ижодкор доимо биринчи ё...нинг ёнида,

биринчи ё...нинг йўлдоши,

биринчи ё...нинг қўшниси...

Китобхоннинг энг яқин биродари, энг дилкаш гурунгдоши китоб ҳамда унинг ижодкори. Таниқли ёзувчи Асад Дилмуроднинг ёзувларини ўқиб туриб, кўнглимдан яна бир марта шундай фикр ўтди. Асад Дилмурод китобхоннинг яқин ҳамроҳига, яқин фикрдошига айланган ижодкорлардан. Китобхон унинг асарларидан қадрдон сифатларини топади. Ўзининг канглуда бор бўлган хусусиятларнинг уйқаш тарзларини топади. Китобхон канглу ила ёзувчи нигоҳи бир-бирига бақамти келади ва бир-бирининг дил кечинмаларини қалбдан англайди. Англаш юзага келган жойда воқеанинг ҳам, мантиқнинг ҳам, маъноннинг ҳам, ҳаракат воситаси бўлмиш қаҳрамоннинг ҳам, фикр муродининг ҳам ботиний самимияти, ботиний сукунати бошланади. Кўнгилнинг қабат-қабатидан фикрлашга, ўйлашга, хотиргa, хаёлга қайрилиб қарашга ундовчи ички бир соғинч, ички бир қадр, ички бир ғурур садоси сириқиб келади.

Мен Асад Дилмурод ёзувларининг замирида ботиний бир сукунатни кўраман. Ва бу сукунатга термулиб турган, унга интилган, уни канглуга қайтаришга чоғланган соғинчни кўраман.

Сукунатга термулган соғинч... Асад Дилмурод битикларининг мағзи, маъноси. Ёзувчининг аксар асарлари Самарқандда бўй ростлаган, мўъжизасифат, синоатсифат обидалар, уларнинг қадрини дилига тумордек қадаб олган усталарнинг ботиний ва зоҳирий изтироблари хусусида сўз айтади. Бу борада илк қиссаси — «Шердор»ни эслайсизми, ёки бир-бирини мантиқий давом эттирган уч қиссаси — «Мулк», «Гирех», «Интиҳо»ни эслайсизми, ёинки Афросиёб сукунати қаридан қадр ҳамда ғурурнинг парчалари ва бўлакларини қидириш ҳисси билан боғлиқ соғинч ифодаланган ҳикояларини эслайсизми, барчасида ёзувчи муродининг йўриғи айланиб келиб сукунатга интизорлик билан қараётган нигоҳга боғланади. Бу нигоҳ сукунат бағридан соғинч чечакларини, соғинч қизғалдоқларини қидиради.

Обидалар — сукунат.

Усталар — соғинч.

Сукунат ила соғинч — ҳамроҳ.

Соғинч ила сукунат — ҳамсоя.

Сўзимиз бошида эслаганимиз, эл орасидаги гапнинг шаклига, шамойилига менгзайди бу икки нисбат.

Сукунат бағрида соғинч.

Соғинч нигоҳида сукунат.

Асад Дилмурод асарларида бу тарз рамзлар орқали тасвир этилади. Рамзлар орқали кўнгил майдонларига келтирилади. Бу «Мулк» қиссасида ўзининг ажиб бир шаклини, ажиб бир мантиғини топган. Қиссада уста, обида, яъни сукунат, соғинч параллеллиги мавжуд. Уста Жамшиддин кўнглида обидага айланган қадр иморати, ғурур иморати, тафаккур иморати, ўзлик иморати, изтироб иморати бор...

Нодонликнинг, чиркин кучнинг, хиёнату сотқинликнинг мазкур иморатларга яъни, кўнгил иморатларига дахл қилиши. Обидаларни зўрлик, зўрғатлик йўли билан вайрон айлаш муддаоси. Буларга нисбатан тик қараган уста Жамшиддиннинг обидаларни ўғли Шамсиддинга етказиш борасидаги, уларни кўз қорачиғидек асраш борасидаги қайғуси. Шу аснода ғурурни, қадрни, ўзликни сақлаб қолиш нияти. Пештоқлардаги битикларнинг кўзини кўр қилиш учун уларга сувоқ чаплаш мажбуриятини айнан уста Жамшиддинга буюриш мақсади. Устанинг рад этиши. Ўғли Шамсиддиннинг элас-элас нидоси. Булар — «Мулк»қиссасининг моҳияти. «Мулк»нинг нидоси.

Мулк — кўнгил. Кўнгил — ўзлик, ғурур, қадр, тил. Кўнгилни ўзидан ажратиш, ўзидан бегона айлаш, ўзидан мосуво қилиш — ўлим...

«Уста Жамшиддин яна куллиётни тавоф қилди, сўнг ҳалимдек юмшаб, уни ўғлига тутди: «Сен ҳам Улуғ сўзга юкун, ғафлатдан уйготгай!»

Асарда рамзлар ҳаракати боз-боз қайтарилади. Улар руҳ воситаларига айланади. Кўнгил мулкига айланади. Бу мулкни авайлаш, уни асраш, уни сақлаш ҳисси мантиқ билан англатилади.

Рамзлар: Тарғил туя. Дашт. Мўйсафид. Улуғ сўз. Рисолаи муаззам. Қонуни муборак. Қалам. Соз. Уйғониш. Руҳ уйғониши...

Буларнинг ҳаммасига Ватан бўлган кангул ва ўзлик киёфаси. «Мулк» қиссасининг мантиқ маъноси шундай шаклга, шундай ифодага йўналган.

Асарда уста Жамшиддин мулкни асраш воситаси тарзида намоён бўлади. Уни ўғли — Шамсиддинга қолдириш ниятида эса, бу мантиқ давомийлик маъносига айланади. Ёзувчининг «Гирех» ҳамда «Интиҳо» қиссаларидаги уста Шамсиддин мулкнинг вориси сифатида, уста Жамшиддин ниятларининг давомчиси сифатида намоён бўлади.

Эл сотқинлари «Мулк»ни поймол айлаш, ўзликни унутириш, ғурурни синдириш пайида. Бу қабиҳ мақсадларини уста Жамшиддин ва унинг ўғли-Шамсиддин ҳамда сўз фидоларига зўғум айлаб, уларнинг қўли билан амалга оширмоқ бўладилар. Улуғ сўз, Улуғ обида. Улуғ кўнгил бунга ризо бўлмайдилар. Уста Жамшиддин кўнгилни сотмайди. Обидалар юзига сувоқ чапламайди. У кўнгилга ишонади. Улуғ сўзга, яъни дил мулкига ишонади. «Иложи қанча, уста манавилар қаторида эрмакталаб бандага айланганини, то тирик экан, бу сиру савдо қошида ночор қўл қовуштиришдан бошқасига ярамагани учун азобланажагини билади, айни шу лаҳзада шаҳристон кунботаридаги хилватгоҳда, тошқалов ҳовузчада, томчилардан яралган ях ичида пушти-паноҳи, беҳолу безабон, иссиқ-совуққа баббаравар чархи-гардун рўпарасида турганини, хиралашиб бораётган шуурида бир кунмас-бир кун Улуғ сўз одамзодни гофилликдан тамом уйготиши ҳақидаги умид чарх ураётганини ҳам билар эди. Фақат у қизғимтир босма чакмон кийган Мўйсафид тарғил туясини миниб оломондан узилгани ва тўппа-тўғри ўша сокин ҳовли сари йўл олганини сезмай қолди...

Бу гўшада эса на чироқ, на учқун йилт этади, залвар деворлару иморатларни намхуш зулмат билан баравар зилдек сукунат қамраган, олис юлдузларни ҳам комига тортмоқчи бўлаётган аллатовур сукунатни яп-ялангоч елкаларга бир маромда урилаётган томчилар товушигина бузарди...»

Улуғ сўз уйғонишига умид. Сокин ҳовли соғинчи. Ва сокин ҳовлининг ўзи. Кўнгил шакли. Сукунатга урилаётган томчилар. Руҳиятнинг уйғонишига ишора. Мўйсафиднинг қадим дашт, олис йўллар орқали олиб келган муқаддас мулки. Кўнгил мулки. Булар Асад Дилмурод сўзида намоён бўлаётган, ўсаётган мулк.

Ёзувчининг «Интиҳо» қиссасидаги ҳаракат воситаларидан бири уста Жамшиддиннинг вориси — уста Шамсиддин— изтироб суврати. У Тиллакори обидасини таъмирлаш борасида канглуда ботиб ётган соғинчни уйготади.

Қадрни тиклашга чоғланади. Лекин бу йўл муродга шунчаки осон эмас. Сукунатга канглу тўлиб-тўлиб, соғинчга айлангунча унга ўзини сарф қилади. Сукунат бағрига сингийди. Сукунат, яъни, Тиллакори девору пештоқларига соғинчи тўкилади.

Муроди — ўғли Ғайбиддинга аждодларидан бир ери мертилмай етиб келган аслаҳаларни қўшқуллаб топшириш ва уни мустақиллик сари кузатишу оқ фотиҳа билан сийлашни ҳам мўлжаллаган. Бу мурод уни фидоликка йўллади. Бу мурод уни қадрга, ғурурга айлантирди. Тиллакорининг бастини бут айлаб, ич-ичидан чуқур бир соғинчни сезди. Ўзи сукунат бағрига сингиган соғинчга айланиб кетди...

«... гангиган шогирдлар кўчама-кўча умидвор чопқиллаётганда, у юлғуну янтоқ босган беҳудуд биёбон бўйлаб, азалий ва абадий армонини ортмоқлаганча, пойпиёда илгарилаб борар эди...»

Азалий ва абадий армон — сукунатга термулган соғинч. Шу соғинч Асад Дилмурод канглуда мулкка айланаверсин. Сукунатга термулган соғинч мулкига айланаверсин. Улуғ сўзни соғинган кўнгил мулкига айланаверсин.

Икром ОТАМУРОД

АЁЛ СЕВИЛСА БАС

Бугун эътиборингизга умрини санъатга бағишлаган актриса, иқтидорли ижодкор Раъно Ярашева билан мулоқотни ҳавола қиламиз. Раънонинг асл ва саҳна ҳаёти билан танишиб, дарду ўйлардан хабардор бўларкансиз, саҳнадаги аёл ҳаёти ва ижоди енгил кечмаслигига иймон келтирасиз.

— Раънохон болаликни ким ҳам соғинмайди дейсиз. Болалик кўнгилдаги энг олис соғинчлардан бири бўлса керак. Ўша олисларда қолиб кетган болалигингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Болалик... Болаликни ширин энтикиш билан кўмсайсиз. Қани энди имкон бўлсаю кўзингизни бир очиб юмсангу, болаликка қайта қолсанг. Афсуски, бунинг иложи йўқ-да. Болалигимни эсласам, беихтиёр бувим (охиратлари обод бўлсин) ёдимга тушадилар. Мен ўзимдаги барча яхши фазилатларни (агар улар бўлса) бувимда деб биламан. Назаримда, бувимдек чеҳраси очиқ, бағри кенг, саховатли инсон йўқ. Болаликни эсласам, ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган «Қисмат» видеофилми ёдимга тушади. Видеофилмдаги асосий қаҳрамон кўз олдимда намоён бўлади. Менинг актриса бўлиб етишишимга ҳам асосан «Қисмат» сабаб бўлган десам муболаға бўлмас.

— Санъаткор учун энг гўзал мукофот томошабиннинг завқ билан меҳр билан чалган қарсагидир. Айтинг-чи, сиз ана шундай сурурбахш бахтдан таъсирланган вақтингизда кўнглингизда қандай туйғулар кечган.

— Каттақўрғонда, 7-синфда ўқиб юрганимда Навоий асаридан бир лавҳани мактаб саҳнасида кўрсатган эдик. Шунда мен Гули монологини ўқиб тугатганимда, гулдурос қарсаклардан аввал чўчиб кетгандим, кейин қувонганимдан йиғлаб юборгандим. Илк бор томошабин олқишидан ўшанда баҳраманд бўлганман.

— Сиз актриса бўлиш билан бирга, шоира ва чиройли бир оиланинг уй бекасисиз. Шубҳасиз, саҳна ҳаёти, адабиёт, яъни шеър залворини баравар кўтариш осон эмас. Бир пайтнинг ўзида ҳам санъатга, ҳам шеъриятга, ҳам оилага ўзни бахшида этиш осон бўлмаса керак?

— Мени шоира деб атаганингиз учун ташаккур. Мен, аввало, актёрман, бу — касбим. Шоирликка келсак, ёзган машқларимнинг ҳаммасини илоҳий бир ҳолат деб биламан. Мен ўз хоҳишим билан бирор бир мавзуда шеър ёзолмайман. Кутилмаганда қуйилиб келган туйғуларни қоғозга тушираман, холос, қолгани Аллоҳга аён. Бекаликка келсак, жуда мақтагулик уй бекаси эмасман. Ҳаётимда доимо онам, болаларим ҳамроҳим. Оиламиз бахтиёр, мени тушунишади, шароит яратиб беришади. Бунинг учун уларга раҳмат.

— Ижроингизда қайси санъаткорга эргашасиз? Шеъриятда-чи?

— Санъатда Рихсихоним Иброҳимова, Тўтихоним Юсупованинг ижодига, ҳаётига ҳавас қиламан. Айнан уларга тақлид қилмасам-да, худди ўшалардек, фақат Раъно Ярашева бўлиб, халқнинг дилидан жой олгим келади. Шеъриятда эса Ҳалима Худойбердиева, Фарида Бўтаева, Зулфия Мўминова, Ҳалима Аҳмедова каби шоираларни қизиқиб кузатаман.

— Ролларингизнинг қайси биридан кўнглингиз тўлган?

— Ўйнаган ҳамма ролларимдан кўнглим тўлган, деб айтолмайман, аммо севиб ўйнайдиган ролларим талайгина. Булардан «Меҳробдан чаён»даги Нозик образини жудаям яхши кўраман. «Ёрқиной» драмасидаги Ёрқиной образи, «Ҳаёт эшик ортида»ги Табассум, «Жиноят устида ушлансин» спектаклидаги Шаҳодат образларини яхши кўраман.

— Соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхоним ролини ижро этаётганингизда кўнглингизда нималар кечган, ўзингизни шу ролга муносиб деб биласизми?

— Аввало, рол тақсим бўлаётганда фамилиямни Бибихоним ижрочиси деб ўқишганида қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Бу мен учун кутилмаган бахт эди. Катта саҳнада, катта актёрлар билан бир қаторда Сароймулкхоним образини яратиш катта маъсулият талаб қиладиган иш эди. Бу образга қанча чуқур кириб борганим сайин муҳаббат — садоқат, садоқат — бардош, бардош — висол , висол — самимият, самимият — муҳаббат деган хулосага келдим. Шарқ аёлининг тадбиркорлиги, чуқур мулоҳаза юритиши, ўзини тутиши унинг ақл-заковати, билимдонлиги, сабру қаноати туфайли ҳар қандай муаммо ўз ечимини топади. Ана шундай аёл образини яратиш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Бунинг учун, аввало, Аллоҳга шукрона, қолаверса, театримиз раҳбари Ёқуб Аҳмедов, режиссёр Олимжон Салимовдан миннатдорман. Образдаги топилмалар учун Гулчеҳра Жамиловага ташаккур билдираман. Энди образнинг қанчалик ижро этилгани томошабинларга ҳавола.

— Ҳозирги пайтда театрга томошабин эътибори қандай?

— Эътибор қилган бўлсангиз, театрларда одамлар гавжум. Нафақат Ҳамза театрида, қолаверса, Муқимий, Аброр Ҳидоятов номидаги театрларда ҳам томошабинлар анча кўпайиб қолди. Назаримда, томошабинга миллий асарлар зарур. Илоҳим, театрларнинг остонасидан томошабинларнинг қадами узилмасин, ҳамиша бағримиз мухлисларга тўлиб турсин.

— Яқинда Миср Араб Республикасида ўтган халқаро театр фестивалида Ҳамза театрининг бир гуруҳ санъаткорлари ижодий сафарда бўлиб қайтишди. Сафар таассуротлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Сафар таассуротлари чексиз! Аввалларидунё бизни билмас эди. Қайси хорижий давлатга бормайлик «Россияликмисиз?» деб сўрашаркан. Буни қарангки, Истиқлолимиз шарофати билан бугун бизни дунё тан олди. Ҳатто Мисрда тайёрадан тушиб борар эканмиз, «Ўзбекистонданмисиз?», деб сўрашди. Халқаро театр фестивалида ўзбек миллий урф-одатларини акс эттирган «Чимилдиқ» спектакли билан қатнашдик. Хотирамда бир умр сақланиб қоладигани шуки, спектаклни Нил дарёси бўйидаги катта театрда намойиш этдик. Бу дарё ҳақида жуда кўп ривоятлар эшитган эдим. Минг бор шукурлар бўлсинким, ўша дарёни ўз кўзим билан кўриш насиб этди.

— Шон-шуҳратга муносабатингиз?

— Шон-шуҳратга муносабатим яхши, менимча, шуҳратталаб бўлмаган одам санъаткор бўлолмайди. У ҳисобчи бўлгани маъқул.

— Сиз «Кўнгил кўчалари» кўп қисмли видеофилмида Шарифа (Олий маълумотли кеннойи) ролини меъёрига етказиб ижро этгансиз. Айтингчи, видеофилмнинг давомини қачон кўрамиз?

— Аввалари хорижий видеофилмларни кузатиб, жуда ҳавас қилар эдим. Бизнинг мана шу «Кўнгил кўчалари» видеофилмимиз ўзбек телеэкранида биринчи намойиш этилган «Қалдирғоч» кўрсатувдир. Шу филмдаги Шарифа ролини қандай ижро этаётганим томошабинга ҳавола, лекин кўпчилик шу ролни ўзимга ўхшатишяпти. Мутлақо нотўғри, мен умуман бошқа одамман. Характерим ҳам мос келмайди. Рол актёрнинг ташқи ва ички қиёфасига қараб тақсимланади, шу маънода Машраб Бобоев ролни менга тавсия этган. Албатта, самимий ўйнашга ҳаракат қиляпман, филмнинг давоми бор. Мана, бугун ҳам навбатдаги съёмкага чақиришган.

— Раънохон, жамият оиладан бошланади. Оила мустаҳкамлиги учун кўпроқ аёлнинг муҳаббати зарурми ёки эркакникими?

— Оила мустаҳкамлиги учун эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам муҳаббати зарур. Икки томонлама муҳаббатдан садоқат пайдо бўлади.

Аммо эркакнинг муҳаббати кучлироқ бўлиши керак!

Аёл севилса бас, у ҳамма нарсага кўникади.

— Дўстларингиз кўпми ёки душманларингиз?

— Аввало Оллоҳдан ўзга дўст йўқ. Дўстинг юзта бўлса ҳам кам, душманинг битта бўлса ҳам кўп, деган ажойиб мақол бор. Дустларим анчагина, ўзим биламан, душманимни билмадим, агар бор бўлса, Оллоҳга маълум.

— Мухлисларингизга тилакларингиз...

— Мухлисларимга тилакларим: дунёмиз тинч бўлсин. Ёмон кунларни кўрмасинлар, барча қувонч, бахт ва омад уларга ҳамроҳ бўлсин. Ҳар замонда ташвишларини четга суриб, ўзларига яқин дўсту биродарлари билан бирга театрларимизга ташриф буюриб, бизни хурсанд қилсинлар, дейман.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Озодбек ҚОСИМОВ суҳбатлашди

Раъно Ярашева Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида 1963 йили таваллуд топган.

Отаси Сайфулло хожи Ярашев ҳамда онаси Саодатхоним қарилик гаштини сурмоқдалар. 1981 йили ўрта мактабни тугаллаб, 1986 йили Тошкент Театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Санъат) институтига сиртдан ўқишга кирган.

1991 йили институтни муваффақиятли тугатган. 1987 йилдан буён Ҳамза номидаги академик драма театрида ишлаб келмоқда. Оилали, уч нафар фарзанднинг онаси.

Учрашув

МАРҲАБО, УКРАИНАЛИК ДЎСТЛАР!

Ўзбекистонда ўтадиган Украина маданияти кунларининг аҳамияти аввало шундаки, бу тадбир ҳар икки мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг илк марта ўтказилмоқда. Қолаверса, мамлакатларимиз халқлари кўпдан бир-бирларининг маданиятлари, адабиёт, санъатларидан хабардор бўлиб келганлар.

Маданият кунлари дастури ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кенг оммага мўлжаллаб тузилган. Республикамизга ташриф буюрадиган украиналик меҳмонлар орасида машҳур актёрлар, маданият намояндалари, олимлар, санъат усталари, тасвирий ва амалий санъат вакиллари бор. Украина халқ артистлари Евгения Мирошниченко, Дмитрий Гнатюк, Инна Дорофеева, Вадим Писарев, Николай Гнатюк каби санъаткорларнинг номи бизга яхши таниш.

Украиналик санъаткорлар пойтахтимиздан ташқари Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Навоий, Қарши шаҳарларида ҳам концертлар берадилар.

Шунингдек, украиналик ёзувчи, шоирлар, олимлар, артистлар ўзларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан учрашувлар ўтказиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар, тажриба алмашадилар, янги ҳамкорлик режаларини тузадилар. Украина Бош вазири ўринбосари, делегация раҳбари Валерий Смолий Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида мамлакатимиз зиёлилари билан учрашув ўтказади.

Украина маданияти кунларининг дастлабки куни — 18 ноябрда пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида тадбирнинг тантанали очилиш маросими ҳамда катта концерт бўлади.

Кейинги кунларда эса Украинадан келган меҳмонлар гуруҳларга бўлиниб, мамлакатимизнинг турли вилоятларига йўл оладилар.

Украинада хизмат кўрсатган артистлар В. Данилец, В. Моисеенко, Н. Свидюк («Кролики» ижодий гуруҳи), шунингдек, бир неча халқаро конкурс ва фестиваллар лауреатлари А. Понамарев, А. Лорак, Н. Василюк, Ю. Швед ва бошқалар Сирдарё вилоятида бўладилар. Бу ерда меҳнаткашлар билан учрашиб, концертлар намойиш этадилар. Кейинги куни бу гурух Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва Бўстонлиқ туманида бўлади.

В. Пивоваров, М. Стефюк, О. Билозир, Н. Гнатюк ижодий гуруҳи Самарқанд шаҳрида бўлиб, шаҳарнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари билан танишади ҳамда Самарқанд давлат театрида Украина маданият кунларига бағишланган кечада қатнашади. Шу гуруҳ Жиззах вилоятида ҳам бўлиб, вилоят ҳокимлигида учрашув ўтказадилар.

Ф. Мустафоев, О. Каминская ва бошқалар Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида бўлиб, бу жойларнинг диққатга сазовор обидалари билан танишадилар.

«Соколи» гуруҳи эса Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида бўлиб, Нукус санъат саройида тантанали кечада иштирок этади. Шунингдек, Хива, Урганч шаҳарларининг қадимий обидалари билан танишади.

П. Вирский номидаги Украинада хизмат кўрсатган миллий академик рақс ансамбли ҳамда Украина халқ артистлари А. Литвинов, Н. Шестакова Бухоро, Навоий вилоятларида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этадилар. Хусусан, Бухородаги газчилар маданият уйи ҳамда Навоийдаги «Фарҳод» Маданият саройида ўтказиладиган ижодий учрашувлар қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз.

Қашқадарё вилояти меҳнаткашларини эса Г. Сковорода номидаги халқаро соврин лауреати, «Гетман» Украина ҳарбий кучлари вокал квартети билан бўладиган қизғин учрашувлар кутмоқда. Жумладан, Муборак шаҳрида, Шаҳрисабзнинг Маданият саройида дўстлик учрашувлари бўлиб ўтади.

Украина маданияти кунлари доирасида республикамиз бадиий академиясида Украина Бадиий-амалий ва тасвирий санъат кўргазмасини уюштириш ҳамда Ўзбекистонда яшовчи украин миллатига мансуб рассом ва усталар асарларидан иборат бадиий кўргазма ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар Маҳаллий саноат ишлаб чиқариш савдо ҳиссадорлик компанияси эсдалик совғалари ва нишонлар тайёрладилар. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси эса тадбир қатнашчилари учун миллий эсдалик совғалари, маиший буюмлар ва кенг миқёсдаги товарлар савдосини ташкил этишга ҳозир турибдилар.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистон ўзининг украиналик қадрдонларини кутиб олишга ҳар жиҳатдан тайёр. Зеро, Украина маданияти кунлари Ўзбекистон ва Украина мамлакатлари таълими, маданияти, фани намояндалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Гулчехра УМАРОВА

ЭЪТИРОФ

Асл ижодкор қандай киши ўзи? Бундоқ қараганда, у ҳам ҳамма қатори оддий инсон — қаҳратонда иссиққина маконни излайди, жазирамада ўзини соя-салқинга уради, кузда сокинлашади, баҳорда қайнаб-тошади. Турли-туман хасталиклар уни ҳам четлаб ўтмайди. Уй-рўзғор ташвишлари ҳамма қатори унинг бошида ҳам бор. Ёқимли сўздан, ёқимли муносабатдан кўнгли осмон қадар юксалади, ёмон сўз, ёмон муносабатдан эса ерга чўкиб кетгудек бўлади. У яратган асар дилларни жунбушга келтиришга, нигоҳларда чақмоқ чақишга, кўнгилларни яхшилик, ёруғлик, юксаклик томон чорлаш қудратига эга. Бунда не сирсиноат яширин?

Ижодкор асар яратишга чоғланар экан, нени кўзлайди, не истайди? Албатта, моддий дунё ҳою ҳавасларини кўзламайди, истамайди у. Кўҳна Шарқ фалсафаси таъкидлаганидек, моддий дунё жилваю ишваларига ҳавас қўйган лаҳзадан эътиборан юрак ҳаётдан йироқлашади. Ҳақиқий санъат асари эса тирик юракнинг — илоҳий руҳиятнинг маҳсулидир. Шундай экан, тирик юрак билан умргузаронлик қилувчи санъаткор бу ҳаётдан кўп нарса тиламайди, уни тушунсалар, тан олсалар, меҳнатини — санъатини қадрласалар бўлгани...

Ўтаётган йилимиз бошида ташкил этилган Ўзбекистон Бадиий академиясининг мақсад-муддаоси ҳам аслида шундан иборат— ижодкор аҳлини имкон қадар моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижодий парвозига қанот бағишлаш. Қисқа муддат ичида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 32 ижодкор академиянинг академиги ва фахрий академиги деган унвонга мушарраф бўлишди, шунингдек, турли мавзуларга бағишлаб катта-кичик кўргазмалар ташкил қилинди, танловлар уюштирилди, ғолиблар тақдирланди. Яқинда тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги, меъморчилик, дизайн ва санъатшунослик соҳасида яна бир муҳим аҳамиятга молик ҳодиса юз берди — Ўзбекистон Бадиий академиясининг Олтин, Кумуш медаллари ва дипломи таъсис этилди. Замонавий тасвирий ва амалий санъатимизнинг бир гуруҳ энг илғор намояндалари ана шу мукофотларга лойиқ деб топилиб, тақдирландилар. Ўзбекистон Бадиий академиясининг раиси Турсунали ҚУЗИЕВга шу хусусда бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Турсунали Каримович, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Олтин ва Кумуш медаллари ҳамда дипломи ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Кўп йиллар давомида санъат ва маданиятимизга улкан ҳисса қўшган умумий ва халқаро аҳамиятга молик санъат асарлари, лойиҳалар яратган, санъатшунослик борасида сезиларли илмий изланишларни амалга оширган, санъат ва маданиятни илғор илмий ғоялар билан бойитувчи китоблар яратган кишилар Олтин медалга лойиқ топиладилар.

Академиямизнинг Кумуш медали эса миллий санъат соҳасидаги фаол хизматлари, кўп миллатли Ўзбекистон санъатининг умуминсоний миллий қадриятларини намойиш этувчи, ватанпарварлик туйғуларини ўстирувчи, анъанавий ва замонавий мавзуларнинг янги қирраларини кашф этувчи туркум санъат асарлари, санъат тарихи, назарияси, замонавий санъат муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари, туркум мақолалари учун берилади.

Миллийлиги, ўзига хос бадиий тафаккур тарзи, ёрқин образлар дунёси билан алоҳида ажралиб турадиган асарлар яратган ижодкорлар эса Бадиий академия дипломига мушарраф бўладилар.

— Ижодкор, санъат намояндаси учун бу мукофотлар, албатта, катта обрў-эътибор ва шарафдир. Шу билан бирга, тақдирланувчи яна қандай имтиёзларга эга бўлади?

— Ўзбекистон Бадиий академиясининг Олтин ёки Кумуш медали билан тақдирланган ижодкорга хорижий мамлакатларга ижодий сафар кафолати берилади.

Бадиий академиянинг Дипломи билан тақдирланган шахс эса энг оз иш ҳақининг 10 баробари миқдорида пул мукофоти олади.

— Турсунали Каримович, энди ана шу мукофотларга лойиқ деб топилган санъаткорлар ҳақида бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Олтин медалга сазовор бўлган санъаткорлар элимизга таниқли ва ардоқли муносиб кишилардир. Саидолим Шарипов ҳайкалтарош ва медалсоз сифатида ноёб истеъдодга эга. У Ўзбекистон мустақиллиги рамзлари акс эттирилган қатор туркум асарлари билан ном таратган. Рангтасвирчи Ортиқали Қозоқов ва график рассом Леким Ибрагимовлар ўзига хос санъатлари ва ўз йўллари билан алоҳида ажралиб турганлари учун ҳам юксак мукофотга муносиб топилдилар.

Бадиий академия Кумуш медалига лойиқ кўрилганлар орасида тасвирий ва амалий санъатимизнинг турли авлод вакилларини учратишингиз мумкин.

Мана улар — Лутфулла Абдуллаев, Медат Кагаров, Муборак Йўлдошев, Бахтиёр Бобоев, Ғайрат Бойматов, Евгений Мелников, Тилаб Маҳмудов, Зуҳриддин Исломшиков, Абдураҳим Умаров, Самиг Абдуллаев, Тўлаган Тожихўжаев. Ўзбекистон Бадиий академияси Дипломларига бадиий юксак асарлар яратган қуйидаги ижодкорлар мушарраф бўлдилар: Владимир Петров, Хушрўя Маматова, Римма Гаглоева, Ҳабибулла Солиҳ, Аслиддин Исаев, Ғафур Абдураҳмонов, Иброҳим Валихўжаев, Қудрат Асроров, Абдуқаҳҳор Турдиев, Абдуманнон Назаров.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Олтин, Кумуш медаллари, Дипломига сазовор бўлган санъаткорларни бу шарафли мукофотлар билан қутлаймиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча фидойи, заҳматкаш санъат аҳлига ҳам ана шундай меҳнатдан келадиган бахту қувончлар насиб этсин.

Д. САИДОВА

Жаҳон киноси юлдузлари

ОЛТИНЧИ ФАРЗАНАНИНГ ОМАДИ

Холливуднинг энг даромадли актёрлари ичида Мел Гибсоннинг алоҳида ўрни бор. Ғарб матбуотида у ҳақда юзлаб мақолалар ёзилган. Австралиялик актёр Мел Гибсон 1979 йили суратга олинган «Телбанамо Макс» фантастик сериали орқали томошабинларга танилди. 1985 йилга қадар мазкур сериалда бир нечта филм яратилди.

Мел Гибсоннинг кинодаги тақдири омадли бўлди. У 1956 йили Нью-Йорк яқинидаги шаҳарчада дунёга келган. Бу оилада 11 та бола бўлиб, Мел олтинчи фарзанд эди. Мел ўн иккига кирганда, уларнинг оиласи Австралияга кўчиб кетади. Унинг болалиги Америкадан узоқда — Австралияда ўтади.

Шуниси қизиқки, у ҳеч қачон актёр бўлишни орзу қилмаган. Ҳамма ўсмирлар каби гоҳ журналист, гоҳ учувчи, гоҳ эса фермер бўлишни кўнглига тугиб қўярди. Мелнинг опаси укасини Австралия Миллий санъат институтига кириб ўқишга ундади. Илк савол-жавобдан кейиноқ Мелни актёрлик бўлимига қабул қилишди.

«Опамнинг маслаҳатига қаршилик кўрсатмадим, — дея эслайди Мел. Чунки актёрларга яхшигина пул тўлашса керак, деб ўйладим, холос».

Мел Гибсоннинг кинодаги фаолияти 1977 йили бошланди. У рол ижро этган «Ёз шаҳри» филми тезда унутилиб кетди. Бир қанча вақт Жанубий Австралия Давлат театр компаниясида ишлади.

80-йилларда Америкага қайтиб келади. Бирин-кетин актёр иштирок этган «Хавфли ҳаёт йили», «Дарё», «Мурувват», «Миссис Соффел»,«Телбанамо Макс», «Олис йўллар жангчиси», «Ўлим қуроли», «Эйр Америка» филмлари экранларда намойиш этилди ва шуҳрат қозонди.

«Текила Санрайз» деб номланган филм Мел Гибсон ижодида туб бурилиш ясади. Филм наркотик моддалар билан савдо-сотиқ қилувчи йигит ҳақида бўлиб, бу образ экранда ҳамма қатори камчиликлардан холи бўлмаган инсон сифатида гавдаланиши керак эди. Бу таклифдан кўпчилик киноюлдузлар бош тортдилар. Чунки салбий қаҳрамон томошабинларнинг севимли киноюлдузлари мавқеини тушириб юбориши мумкин эди. Лекин бу вақтга келиб шуҳрат чўққисини эгаллаган Мел Гибсон сценарийни ўқиб чиқиб, дарҳол розилик берди. «Сценарий муаллифи Роберт Тауннинг таклифи мени қизиқтириб қолди, — дейди Мел. — Ҳаётда қандайлигимни ҳамма билади. Шу боис бу ролни бажонидил қабул қилдим».

Дарҳақиқат, истеъдодли актёр Мел Гибсоннинг ҳаёти ибратли: кўп йиллар давомида рафиқасига содиқ, уларнинг беш фарзанди бор, суратга олиш ишларидан бўш вақтида ўз шахсий фермасида машғул бўлади.

«Текила Санрайз» филмидан кейин кинорежиссёр Франко Зефирелли актёрларга кутилмаган таклиф билан мурожаат қилди. Яъни у Шекспир асаридаги машҳур Ҳамлет ролини ижро этиши лозим эди. Кинотанқидчилар ҳаётирга тушиб қолишди. Ҳамлет — жуда мураккаб ва қалтис таклиф. Бу рол актёрни шуҳрат чўққисига олиб чиқади ва шу пайтнинг ўзида яксон қилади. Ҳамлет актёр тақдирига босилган тамға. Бу сиртмоқдан чиқиб кетиш жуда қийин бўлди. Лекин Мел Гибсон ўзини йўқотиб қўймади. Ҳамлет ролидан кейин «Эйр Америка», «Довюрак қалб», «Гаров» филмларида иштирок этди. Бугун бу филмларни билмаган, унинг ижросидан баҳра олмаган томошабин кам бўлса керак.

Кейинги пайтда Мел Гибсон режиссурада ҳам ўз имкониятларини синаб кўрди. Унинг режиссёрлик иши — «Довюрак қалб» филми Америкада яратилган 1996 йилнинг энг яхши филми деб тан олинди ҳамда бир нечта «Оскар» мукофоти совриндори бўлди.

Ўрта аср туманлари, маҳобатли қасрлари, телбанамо қироллари ва даҳшатли жангчилари ичра туғилган, соф ва эҳтиросли муҳаббат ҳақида ҳикоя қилувчи «Довюрак қалб» филми ғояси шундай туғилган эди: Холливуд сценарийнависи Рэнолд Уолс Шотландия пойтахтида ўз исмига адаш бўлган бир одамнинг ҳайкалини кўриб қолади. Ва бу одамнинг ҳаётини ўрганиб чиқади. Сценарий икки йил давомида ёзилди. Бўлғуси филмга 72 миллион доллар маблағ ажратилди. Режиссёр Мел Гибсоннинг камера олдидаги ва кадр ортидаги заҳматли меҳнати туфайли кўпчилик эътиборини тортган «Довюрак қалб» филми дунёга келди.

Филмни суратга олиш ишлари Шотландия тоғларида, ёмғир ва музликларда бошланди. Ҳарбий саҳналарнинг бир қисми шу ерда олинди. Энг йирик ҳарбий саҳналар эса Ирландияда суратга олинди. Филмнинг энг чиройли саҳналаридан бири — малика билан учрашув саҳнаси диққатга сазовордир. Юқорида айтилган мамлакатларда қўёшли, очиқ кунлар камдан-кам бўлади. Режиссёр Мел Гибсоннинг ақл бовар қилмайдиган куч ва иродаси туфайли кўп сонли оммавий саҳналар, жанггоҳ лавҳалар, эҳтиросли тўқнашув ва гўзал муҳаббат лавҳалари яратилди.

Мел Гибсон билан «Довюрак қалб» филмида ҳамкорлик қилган машҳур актриса Софи Марсо у ҳақда шундай дейди:

— Ҳаётда Мел жуда хушмуомала одам. Лекин ҳаммага ҳам ичини тўкиб солмайди. Қалби нозик ва ҳимояга муҳтож. У атроф-муҳитни синчковлик билан кузатади. Гарчи ҳеч кимга ишонмаса-да, бировни хафа ҳам қилмайди..

Суратга олиш жараёнида мен Мелни узоқ кузатдим. Унинг ақл-заковатини, қалбини, ички оламини ўргандим. Охир-оқибатда, унинг жуда олижаноб инсон эканлигига амин бўлдим. У ўз устида мунтазам ишлайди ва одамларга фақат яхшилик қилади...

Мазкур мақола таниқли актёр ва истеъдодли режиссёр Мел Гибсон ижодига айрим чизгилар, холос. У жуда серқирра ва изланувчан ижодкор. Шунинг учун ҳам Мел Гибсон ҳамон шуҳрат чўққисида турибди.

Феруза НОДИРОВА, киношунос

ХОРНИ ТИНГЛАШ ҲАМ САНЪАТ

Адибахон Каримова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хор жамоасининг етакчи хонандаларидан бири. Очиғи, бу жамоа ва унинг аъзолари ҳақида ҳали етарли даражада ёза олганимиз йўқ. Ўзбек қўшиқчилик санъатида бу жамоанинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Шунинг учун А.Каримова билан суҳбатлашишга ахд қилдик.

— Адиба опа, ҳаётингизнинг асосий қисми санъат, санъаткорлар даврасида ўтади. Санъаткор истеъдоди, унинг замини ҳақида қандай фикрдасиз?

— Яхши овоз инсонга Аллоҳ томонидан берилади. Аслида ҳар бир одамда қўшиқчиликка, озгина бўлса-да, мойиллик бўлади. Мен ва касбдошларимда бу нарса нисбатан кўпроқ шекилли. Санъаткорга Тангри назар солгани шу бўлса керакда. Истеъдоднинг замини эса меҳнат. Истеъдод меҳнат ва изланиш билангина ўзини намоён эта олади.

— Ўзингиз ижод қилаётган хор жамоаси фаолиятига қисқача тўхталсангиз.

— Жамоамиз 1960 йили ташкил топган. Дастлабки йиллари жамоа учун махсус хонандалар йўқ эди. Шу сабабли истеъдодли, миллий мусиқа меросини яхши билган хонандалар жалб этилган. Хорнинг шаклланишида, элга манзур жамоа бўлиб, санъат оламида ўз йўли ва ўрнини топишида Ботир Умиджоновнинг хизматлари беқиёс. «Қарс икки қўлдан чиқади», деганларидек, Б.Умиджоновнинг бастакор бўлиб етишишида ҳам ушбу жамоанинг ўрни катта. Айни кунларда биз қўйлаётган «Қилпиллама», «Бухороча мавриги», «Термалар» каби қўшиқлар ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган десам, муболаға бўлмас.

— Аёл бахтининг тўкислиги нимада. Ўзингизни бахтли аёл ҳисоблайсизми?

— Аёлнинг энг катта бахти оилада деб ўйлайман. Ёнингда сени тушунадиган, сенга илҳом берадиган (бу аввало ижодкор аёллар учун ниҳоятда зарур), сенинг ютуғингдан қувониб, омадсизлигингдан қуюнадиган ҳамроҳинг бўлса, бу ҳам бир бахт. Ота-она орзуларини рўёбга чиқариш, фарзандлар камолини кўриш ҳам бахт маъносини кенгайтиради. Қисқаси, аёл оилада бахтли экан, у ҳаётда ҳам бахтли, деб ўйлайман.

— Санъаткорлардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Ўзингизга қандай талаблар қўясиз?

— Санъаткорлар, қайси жанрда ижод қилмасин, барча инсоний фазилатлар эгаси бўлишини хоҳлайман. Камтарлик, ростгўйлик, самимийлик... Чунки улар доимо халқ кўз ўнгида бўладилар. Шунинг учун ҳам барчага ҳар томонлама ўрнак бўлишлари керак.

Ўз олдимга кўпроқ изланиш ва ижод қилиш талабини қўяман.

— Шу кунлардаги орзу-ўйларингиз?

— Доимо яхши бир орзуни ўйлаб юраман. Жамоамиз асосида Ўзбекистон Давлат миллий хори тузилса, нур устига нур бўлар эди. Ҳурматли газетхонларга самимий тилакларимни, шунингдек, энг кераги — тани сиҳатликни тилаб қоламан.

Шаҳло ШОИСЛОМОВА суҳбатлашди

ФАРАЗ ҚИЛИНГ...

Фараз қилинг. Сиз кинематография институтига имтиҳон топшираяпсиз. Кекса профессор «қани, айтинг-чи. бўтам, «Санта Барбара» филми нима ҳақда?», деб сўраб қолди. Бир жумла билан жавоб беринг-чи!

Фараз қилинг. Сиз «Навбаҳор» футбол командасининг бош тренерисиз. Фарғонанинг «Нефтчи» командаси билан ҳал қилувчи ўйин бошланди. Аммо... Иккинчи минутдаёқ марказий ҳимоячи жарима майдонида дриблинг қиламан деб, пўп этиб тўпни ўз дарвозасига уриб қўйди. Ютуқ меҳмонларда кетди. Ўйин охирида ҳимоячига нима деган бўлардингиз?

Фараз қилинг. Тасодифан никоҳ тўйига бориб қолдингиз. Куёв 74 ёшда, келин бола — 66 да. Кутилмаганда сизга қадаҳ сўзи бериб қолишди. Марҳамат!

Фараз қилинг. Эрталаб ишга отланаётиб турмуш ўртоғингиз «Химчистка»да тозалатиб қиличдай қилиб қўйган шимни кийдингиз. Трамвайда келаётибсиз. Кондуктор аёл патта текширишни бошлади. Ҳадемай олдингизга келади. Чўнтакка қўл суқасиз. Ваҳҳ. Пул бошқа шимда қолиб кетибди! Кондуктор бўлса сизни кўриб: «Э, қуда, яхшимисиз, танижонийиз соғми, қудамлар яхши юришибдими, бола-чақалар омонми. Бир чиқиб қопсиз-да, а. Патта олмасангизам майли-ю, аммо, шу десангиз, планимиз сал чатоқ бўлиб турибди-да, қуда...», деб қолди. Ўрисчасига айтганда: «Ваши дальнейшие действия...»

Фараз қилинг. Олтмишга чиққан устозингизнинг юбилейига бориб, шошилинчда аввалдан тайёрлаб қўйган конвертдаги тўёна ўрнига ЖЭКдан келган, уч ойдан бери уй ҳақини тўламаётганингиз тўғрисидаги эслатмани бериб юборибсиз... Эртасига эрталаб кенжа ўғлингиз «Адажон, сизни телефонга сўрашяпти», деб қолди. Гўшакни кўтарсангиз... устознинг ўзлари. Лаббай?

Фараз қилинг: Ишдан кейин жўралар билан чойхонада улфатчилик қилиб, қайтишда «янглишиб» самоварчининг пахталик камзулини кийиб келибсиз. Истиқболингизга хотин пошшо пешвоз чиқадилар. Бугун у кишининг туғилган кунлари... Хўш...

ЎТГАН ИШГА САЛОВАТ

Етмишинчи йиллар эди. «Ўқитувчилар газетаси» масъул котиби Ортиқбой Қобилжоновнинг думалоқ шаклдаги шинамгина хонаси.

Муҳаррир ўринбосари Султон Акбарий ва камина учовимиз газетанинг навбатдаги сонида бериладиган бир мақола устида бош қотирар эдик. Султон ака чўғи охирига етай деб қолган сигаретани аҳён-аҳёнда сўриб ҳаммани қойил қолдирадиган ҳуснихати билан матнни таҳрир этардилар.

Шу пайт хона эшиги очилди ва:

— Ортиқ Али, ҳиммат-ингга балли! — деган ингичка, лекин майин овоз сукунатни бузди. Бу Юсуфжон Ҳамдам эди.

У кишининг кетидан мулойим табассум билан муҳаррир Шоҳоб ака Мақсудов ҳам кириб келдилар. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Юсуфжон ака қора папкасидан шеърларни танлаб олар экан, улардан кўзини узмаган ҳолда сўзида давом этди.

— Султонхўжанинг айби билан редакциядаги кўпчилик ўртоқлар тўйимга боролмай қолишди. Айниқса, Шоҳобиддин, Ортиқ Али, сизларга кўзим тўрт бўлди, хабарлаш вазифаси шоирга юклатилган эди.

Ўтирганлар бу сўздан ҳайрон бўлиб бир-бирларига боқишди. Султон ака эса юзига ярашган чандиғини қалам билан уқалаб елка қисди, кўзойнагини қўлига олиб дўстига:

— Менга қара оғайни, ўзим тўйингдан бехабар бўлсам, уларга қандай хабар берай.

Бу жавобни кутмаган Юсуфжон ака:

— Шунга ҳам хижолатпазликми, майли, ўтган ишга саловат, бошқа тўйга борарсизлар,— дея мавзуни бошқа томонга буриб юборди.

СЎЗЛАГАНДА СЕҲРИ БОР ЭДИ...

Юсуфжон Ҳамдам ҳаётидан лавҳалар

ҚУШ ТИЛИНИ ҚУШ БИЛАДИ

Бир мақола сабаб бўлди-ю, Юсуфжон аканинг шеърлари матбуотда берилмай, радиода эшиттирилмай қолди. Ўша кезлари у киши ўғил уйлантириш тараддудида эдилар.

Бир куни радио қўмитаси йўлагида Ҳайдар Муҳаммад, Неъмат Дўстхўжаев суҳбатлашиб турардик. Шу пайт йўлак бошида сочлари силлиқ таралган, сипо ва озода кийинган, хипча ва баланд бўйли Юсуфжон Ҳамдам кўриндилар.

Шоир тўғри келиб даврага қўшилди ва илиқ сўзлар билан ҳар биримизга омад тиладилар.

Тарқалиш олдидан Ҳайдар акага:

— Шоир укам, қуш тилини қуш билади деганлар. Шунинг учун ҳамкасбларингизга айтинг, қўшиқларимни ҳар куни эфирга бериб туришсин, — деди.

— Қандай бўларкин?

— Жуда яхши бўлади, сабаби — кўпчилик танишбилишларни тўйга жуда эрта айтганман, ёдларидан чиқиши мумкин. Қўшиғимни эшитганлар «ие, Юсуфжон аканинг шеъри-ку, э, ҳа, айтгандай, тўйлари ҳам бор эди-я» деб эсларига тушади.

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Юсуфжон ака ўз меҳмонини кузатгани аэропортга чиқиб, таниқли кекса адибимизни учратиб қолади ва у кишининг истиқболига шошади.

— Ассалому алайкум, мавлоно, адабиётимизнинг пири, юлдузи, зиёрат муборак.

— Зиёратга эҳтиёж йўқ, бинобарин янги рўмоннинг охирги саҳифалари устида ишлаётган эдим. Уч кун бўлди келинойингиз Сочида дам олаётган эди. Ёзишларича, ҳар куни ёмғир экан, шу плаш билан зонтикни олиб бориб бермоқчи бўлиб билет буюртирган эдим.

Бу инсоннинг соддалиги, тўғрилиги, болалардек ишонувчанлигидан Юсуфжон ака кулимсираб:

— Оббо, устоз-ей, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Ахир бориб келишингиз қанча харажат, муҳими олтиндан қиммат вақтингиз кетади. Оқсоқол, сиз бемалол романингизни ёзаверинг. Бу юмушни эса сиз учун мен ўз зиммамга оламан. Ҳозироқ патта олиб Сочига учаман, — деб адибни машинага ўтиргизиб юборибдилар.

Шу вақт Сочига учадиган самолётга чиқиш эълон қилинади. Юсуфжон ака ўша самолёт йўловчилари қатор тизилишган томонга жадал йўл олади. Унинг кўзи бошига чуст дўппи кийган, қовун кўтариб олган йигитга тушади. Илдам бориб у билан саломлашади. Ўзини таништиради. Йигит қаерданлигини, иш жойини айтади. Шоир эса у ерларнинг раиси унинг дўсти эканлигини уқтиради.

— Укажон, сиз покиза, приятний инсонга ўхшайсиз, бир илтимос бор.

— Бажонидил, домла.

— Қани паспортингизни олинг-чи, — дея унинг исми-шарифи, паспорт ёзувларини ён дафтарчасига ёзиб олади.

— Хўш, ука, яшанг. Гапнинг ўғил боласи бундай. Мана бу нарсаларни мана шу адрес бўйича топширсангиз. Ишни бажаргач, телеграмма ҳам жўнатинг. Мана бу эса хизматингиз учун.

Кечки пайт адибнинг рафиқасидан ёзма хабар келади: «Домла, юборган одамингиз нарсаларни топширди. Раҳмат».

Шукур ДАДАШ

АДАШМАНГ-А...

Муҳаммаджон Сўфихўжаев кечагина хивич отида кўча чангитиб юрган эди. Пешқўрғондан бир Чортоққа, бир Наманганга, бир Тошкентга боргиси келиб қоларди. Онаси Марҳаматхон ая, дам-бадам насиҳат қиларди: — «ҳой болам-а, жон болам қоқилма-ю, адашма»

Бугун элликни уриб, бундай орти - олди, ён-верига қараса, раҳматли волидаси айтганига доимо амал қилибди. Қоқилмасликнинг иложи бўлмабди. Бир-икки йиқилибди-ю, хайрият, пешонаси ёрилмабди. Туриб олиб, юриб кетаверибди. Адашмай Тошкентга ҳам келибди. Театр ва рассомчилик институтида таҳсил олибди. Ҳамза театрида ишлабди. «Сарвиқомат дилбарим»да Камол, «Ой тутилган тунда»да Эшмирза бўлиб, саҳнага чиқибди. Беш йил шу даргоҳда ишлаб, кейин 1973 йили адашмай Ўзбекистон радиосига ишга ўтибди.

— Чалгимаганимга радиорежиссёрларининг ижоддаги дадаси Неъмат Дўстхўжаев билан Убай Бурхон сабаб, — дейди қаҳрамонимиз, — мухлисларнинг ёдида бўлса керак, ўша даврлар «Табассум»нинг донги Ўзбекистондан ҳам четга чиққанди. Манаман деган артистлар ҳам унда иштирок этишни орзуларди.

Мен эса ўзимча ҳажвлар машқ қилардим. Ёзиб бўлган заҳотим олиб борардим. Неъмат ака «бу бола нима қилиб юрибди» деб кузатиб юрган эканлар. Таниш-билиш бўлгач, юрагимга чўғ солдилар. Ўчиртирмай, радионинг ўша пайтдаги раҳбари Убай Бурхон ҳузурига олиб кирдилар. Аввалроқ маслаҳатлашиб, пишитиб қўйишган шекилли, Убай ака даб-дурустдан: — «Энди Муҳаммаджон, театрни қўйиб, бизга ўтинг, адашманг», — дедилар. Аввал «Ёшлик» муҳарририятида пишдим, кейин «Табассум»нинг офтобида қорайдим, сўнгра адабиёт муҳарририятида чиниқдим, мана ҳозир етти йил бўлди, мусиқа муҳарририятида тобланиб, қўш тортаяпман...

Муҳаммаджон Сўфихўжаев билан йигирма йил ёнма-ён ишлаган бир жўраси сифатида шуни айта оламанки, у қўшини яхши тортяпти, шудгори чуқур, сифатли, ишлови яхши...

Уни тажанг дейишади. Бўлса бордир-у, аслида ўта талабчан. Ярим қоғозлими, йигирма варақлими ҳар бир эшиттиришга бирдай масъулият билан ёндошади. Мисол — радионинг олтин фондидан жой олган «Туташ тақдирлар», «Соҳибқирон ва аллома», «Нортож», «Уста Рўзиматхон» каби радиопостановкалари, бугун кун, кунора қулоғимизга чалинаётган доимий эшиттиришлари, у ижро этган қўшиқлари.

Муҳаммаджонни чапани деб ўйлашади, ҳаётда эса бундан ҳам кўра чўрткесар, бир сўзли, садоқатли.

Уни ортидан пишиқ деб таърифлашади. Бу ҳам ҳақ гап. Далил: кам-кўстсиз рўзғори, ўзи, бола-чақасининг юриш-туриши, уст-боши.

Муҳаммаджонни яна сувоқчи, пардозчига тенглаштиришади. Ким шундай деса, тўппа-тўғрисини айтибди. Қулига теккан бўшроқ матнга сайқал бериб, бироз сувагач, шунақанги жаранглаб кетади-ки, ҳатто муаллифи ҳам «шу мен ёзган нарсами» деб бармоғини тишлаб, ўйлаб қолади. Исбот — мусиқа муҳарририяти фидойилари Зулфия Обидова, Афруза Умарова, Маъфура Муҳамедова ва Барот Исроиловлар эътирофи.

Тўй кўп гапни ёқтирмайди. Бердисини айтсак, тўйбола режиссёр (лотинчасига «бошқараман» дегани). Муҳаммаджон Сўфихўжаев ишхонасидаги радиомосламаларини ҳам, оиласини ҳам, қоларверса, орзуларидай оқ, оппоқ «Тико»сини ҳам чалгимай, моҳирлик билан бошқармоқда.

Илоҳим, манзилингиз олисдан-олис бўлсин-у, бундан бу ёғига ҳам адашманг-а, дўстим...

Абдужалил ЗОКИРОВ

ЧОЙХОНА Хабарлари

МУСОБАҚАДОШЛАР ҲУЗУРИГА

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Шағалкент туманида боғдорчилик ва узумчилик хўжалиги ташкил этилди.

Янги хўжаликнинг бир гуруҳ мутахассислари ғўзани парваришлаш агротехникасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун мева ва узум кўчатлари экилган мусобақадош Адиркент туманига жўнаб кетдилар.

БИЛДИРИШ

Ўрмалаб юрувчилар илмий-тадқиқот институти ихтисослашган илмий кенгашида «Суваракларни уй шароитида кўпайтириш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилади. Барча суваракшунослар, суваракмижозлар ва қизиқ-қан ўртоқлар таклиф этилади.

УЧ ҲИССА

Жаҳон бозори ҳудудини супуриб-сидирувчи фаррошлар жамоаси бир беш йилликда уч беш йиллик ахлатларни йиғиштириб олишга эришдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

13-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари ўтган йили фойдаланишга топширилган мактаб бинои таъмирини муддатидан илгари якунладилар. Энди улар йил бошида ишга тушган янги болалар боғчасини жадал суръатлар билан таъмир этмоқдалар.

НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Туман марказидаги кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ичимлик суви таъминотида вақти-вақти билан узилишлар бўлаётганлиги ҳақидаги шикоятлар тасдиқланди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бундан буён бу уйларга вақти-вақти билан ичимлик суви бериб туриш масаласи қатъий назорат остига олинди.

Ҳабиб СИДДИҚ

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар!

Мамлакатимизда нашр этилаётган барча матбуот нашрларига, шу жумладан, Сизнинг севимли ҳафталик газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ҳам 1998 йил учун обуна бошланди.

Газета янги 1998 йилда ҳам кўп йиллардан буён шаклланган ўз анъаналарини давом эттиради. Муштарийларимиз эътиборини қозонган «Ўзбеклар ва дунё», «Жараён», «Ўзбек романи: кеча ва бугун», «Шеърият ва замон», «Тарих ва тақдир», «Тадқиқот, ахборот», «Руҳият иқлимлари» рукнлари остида ранг-баранг мақолалар, суҳбатлар, тадқиқотлар билан танишасиз. Янги давр адабиётининг энг сара намуналаридан парчалар, кино, мусиқа, тасвирий ва амалий санъатга оид мақолалар газета саҳифаларида мунтазам бериб борилади.

Азиз муштарийлар! Кўп йиллик ижодий ҳамкорлигимизни янги йилда ҳам давом эттириш учун газетага обунани ўз вақтида расмийлаштиришни унутманг. Эътиборингизга яна шуни маълум қиламизки, келгуси йил обунаси учун газета индекслари ўзгарди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг янги индекслари:

— якка тартибдаги обуначилар учун 222

— ташкилотлар учун 223

Сотволди ЙЎЛДОШЕВ

МИТТИ ПОЛВОН

Хушфеъл жиян
Равшандан,
Ҳафизахон санамдан
Бино бўлмиш бир
ўғлон —
Чинакам митти полвон.
Қўл-оёқлар — бўғирсоқ,
Кўзлар — тим қора
мунчоқ,
Лўппи юзлар — қўш
ширмон,
Бастига боққан ҳайрон.
Хонадон хурсанд
бўлди,
Табрик, йўқловга
тўлди.
Узоқ-яқин қариндош,
Бола томон эгиб бош,
«Ажойиб бу чақалоқ,
Бахтли бўлсин
бақалоқ».—
Дея олқиш айтдилар,
Мамнун ўйга
қайтдилар.
Номин Рустам
қўйдилар,
«Ширинтой» деб
суйдилар.
Остида—тўшак қат-қат,
Тинмай қилар ҳаракат,
Ҳандалакдек юмалар,
Тирсак тиргаб
тикланар,
Ўтганга ҳайқиради,
Боқиб туриб кулади.
Даст ўрнидан турганин,
Илк қадамин қўйганин
Кўриб шод бўлдим
беҳад —

Бу соғлом авлод албат!
Юртбошимиз ундови,
Ватан, замон қистови —
Соғ-сиҳат авлод учун
Ҳамма кўрсатсин кучин.
Касб-корида муҳандис,
Илму фанда мударрис,
Матонатли, вафодор,
Тийран зеҳн, омилкор,
Шижоатли ўғлонлар,
Қомати сарв барнолар
Кўпайсин, ўссин, унсин
Ҳурлик лаззатин сурсин!

СОВҒА

Туғилган куним
Дадам ва ойим
Қилдилар менга
Мусиқий совға.
Ёзув битилган:
«Made in Yapan»
Мен токка улаб,
Тугмасин бураб,
Уқсам, аввало—
Келди эўр наво.
Гоҳида сўзлар
Ўзга элатлар,
Қўл урдим яна
Бошқа тугмага.
Митти кулчадек
Елим ғилдирак—
Айланиб бирдак
Мисоли паррак,
Турфа куй-оҳанг
Таратар жаранг.
Иккинчи юпқа
Гардиши пастда,
Ўрарди аста
Жигарранг тасма.
Тинглайман ҳар он
Чўнг магнитафон,
Миннатдор эдим,
Раҳматлар дедим—
Дадажонимга,
Ойижонимга.
Аммо одатим,
Муқаррар аҳдим —
Аввало ўқиш,
Соғлом улғайиш!

Оила ва жамият

Азиз муштарийлар, 1998 йил учун газетамизга обуна давом этяпти!
Барчангиз учуни севимли "Оила ва жамият" газетаси сизларга мунтазир.

ОБУНА - 98

ОБУНА ИНДЕКСИ: 176
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН: 177

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон адабиёти ва санъати
O'zbekiston adabiyoti va san'ati
1997 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Мукаррама МУРОДОВА

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0790. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6